ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
НАВОИЙ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА
ИНСТИТУТИ ПЕДАГОГИКА ФАКУЛЬТЕТИ

“Мусика назарияси ва чолгу асбоблари” кафедраси
мудири профессор. О.О.Файзиевнинг
Ўрта Осиё халклари мусика тарихи фанидан

# М А Ъ Р У З А Л А Р   М А Т Н И

Такризчилар:
Бухоро Давлат Университети доцентлари Файзулло Тураев
ва Санокул Дустов.
Тузувчи: профессор.О.О.Файзиев

Навоий –2008 й

Маърузалар “Мусика назарияси ва чолгу асбоблари” кафедрасининг 30 август 2008 йил № 1 сонли йигилиш карори билан тасдикланган.

Кафедра мудири: профессор.О.О.Файзиев

“Мусика тарихи” фанидан ёзилган маърузалар матнига

## А Н Н О Т А Ц И Я

Ушбу маърузалар матни педагогика институтлари 5141000-«Мусикий таълим» йўналиши (бакалавр) 1-2-3-4- боскич талабаларига мўлжаллаб, ўкув режада кўрсатилган дарс соатлари ва Ўзбекистон Республикаси Олий ва УМТВ тасдиклаган намунавий ўкув дастури асосида ёзилди.

Ушбу маърузалар матнини ёритишда Ўрта Осиё халклари, Жахон халклари, Рус халки мусика тарихига доир турли дарслик ва методик кўлланма, илмий маколалар, мусика лугатлари, Ўзбек миллий энциклопедияси (1-10 томлар)дан фойдаланилди.

Маърузалар матни охирида фойдаланиган адабиётлар рўйхати илова килинади.

## 1. Мусика тўгрисида умумий тушунча

Режа:

1. Мусика тўгрисида фалсафий карашлар.
2. Мусика инсон учун маънавий озукадир.
3. Мусиканинг назарий асослари.

Хаёт карама-каршиликлардан иборат. Яъни кун ва тун, иссик ва совук, ширин ва аччик, яхши ва ёмон ва хоказо... Шундай экан дунёни билиш тўгрисида хам турли туман фикрлар, гоялар, дунёкарашлар бўлиши табиий. Гарчи фалсафада асосан бир-бирига карама-карши окимлар кўп бўлсада, уларнинг иккитаси, яъни материаслистик ва идеалистик дунёкараш асосий оким хисобланади. Бу окимлар дунёнинг пайдо бўлиши тўгрисида турлича гояларни илгари суради. Материалистлар аввало материя, яъни борлик вужудга келганлигини, онг эса инсон пайдо булгандан кейин унинг яшаш учун кураши натижасида эволюцион тарзда вужудга келганлигини, яъни, муомала маданияти, турмуш тарзи ва инсоннинг табиатга булган муносабати шаклланиши натижасида вужудга келганлиги тўгрисидаги гояни илгари сурадилар. Уларнинг фикрича инсон маймунсимон жонзод бўлиб, дастлаб онгсиз равишда палапартиш хаёт кечирган. Кейинчалик йирик хайвонларни овлаш максадида турли ёгоч, тош куролларини кашф этган. Онгнинг шакллана бориши мана шу даврлардан бошланган. Кейинчалик инсон оловни кашф этган, муомала маданияти, яъни нутк шакллана борган, мехнат куролларини кашф этган.

Ушбу гояга карама-карши бўлган идеалистлар фикрига кўра аввало онг мавжуд бўлган (илох) ва у борликни яратган. У борликни тўрт унсурдан яъни, сув, хаво, тупрок ва оловдан яратган. Сўнгра инсонни яратган. У инсонни тупрокдан яратиб, бундан ташкари колган унсурларни хам унинг танасига жо этган, яъни инсон танасига сув, хаво ва иссиклик бахш этган ва яшаш учун зарурий онг берганлиги тўгрисидаги гояни илгари сурадилар.

Гояларнинг бундай карама-каршилиги диалектикага яъни фалсафа фанига асос солди.

Мусика тўгрисида хам юкорида биз айтиб ўтган окимлар турлича фикрдадурлар. Улар мусиканинг инсон хаётида тутган ўрни, мазмуни тўгрисида куйидагича фикрларни илгари сурадилар.

Материалистик дунёкараш нуктаи назари бўйича мусикага куйидагича шарх берилган.

«Мусика-бу товушлар ёрдамида англашилган фикр булиб, хар бир мусика асари аник мазмун-мохиятига эга бўлиши лозим. Хар бир мусика асари мусикий товушлар, оханглар ва сузлар воситасида инсонларга ниманидир ўктириши, хикоя килиши, кўрсатиши лозим.

Идеалистик дунёкараш нуктаи назаридан каралса, мусика илохий неъмат бўлиб, у инсон хаётини, унинг турмуш тарзини безаш учун оллох томонидан иноят килингандир. Оллох инсонни яратиб унинг яшаши учун сув, хаво, тупрок ва оловни неъмат килиб берди. У ўз онги билан ушбу унсурлардан самарали фойдаланишни ўрганди. Яъни тупрокдан, сув, хаво ва иссикликдан фойдаланиб дехкончилик, чорвачилик, овчилик ва бошка тирикчилик воситаларини ўрганди. Мусика хам худди шундай илохий неъмат хисобланади.

Юкоридаги гояларнинг карама-каршилиги мусиканинг инсон хаётида тутган ўрнини заррача камситмайди. Хар иккала дунёкараш нуктаи назаридан каралганда хам мусиканинг инсон хаётида тутган урни нихоятда юкори эканлиги равшан булади. Хакикатдан хам мусика инсонга абадий йулдош булиб, бешикдан то кабргача у билан хамохангдир. Она алласидан то мотам марсиясигача унинг умрини безатади, буш вактларини мазмунли утказади, байрам, туй ва бошка тадбирларни утказишда асосий воситалардан биридир.

Мусиканинг пайдо булиш тарихи тугрисида хам юкорида айтилган гоялар буйича турли фикрлар билдирилган. Материалистлар мусиканинг пайдо булиши тугрисида куйидагича фикрдадир.

Ибтидоий жамоа тузуми даврида инсонлар гала-гала булиб хайвонларни овлаганлар ва уларни худди ёввойи вахший хайвонлардек хомлигича истеъмол этганлар. Инсон кочонки оловни кашф этгандан сунг, яъни чакмоктошларни бир-бирларига уриштириб олов хосил килишни ургангандан сунг овлаган хайвонларни оловда пишириб ейишни урганди. Овкатланиб булгач шу олов атрофида хурсандчилик, уйин-кулгу килишга эхтиёж пайдо булган ва олов атрофида айланиб раксга тушганлар. Бунинг учун дастлаб содда чолгу асбоблари барабансимон ва ногарасимон чолгулар, кейинчалик эса шикилдоклар, пуфлаб чалинадиган хуштак, сибизиглар пайдо булган. Кушик куйлашни урганганлар.

Бора-бора турмуш маданиятининг усиши натижасида оила булиб яшаш, металдан ов ва иш куролларини ясашни ургандилар ва ёгочдан ва металдан чолгу асбоблари ясашни ургандилар.

Идеалистларнинг фикрига кура мусика илохий неъмат булиб, унинг келиб чикиш тарихи инсониятдан олдин, яъни у абадийдир. Инсониятдан аввал хам булган кейин хам булади. Хатто Оллох инсонни лойдан яратгандан сунг унинг танасига жонни мусика ёрдамида киритганлиги тугрисида фикр билдирадилар.

Хакикатдан хам инсон танасига жон мусика садолари ёрдамида киритилганлиги хакида ривоятлар мавжуд.

Хоразм халкининг севимли куйи булмиш « лазги»га куйилган ракс харакатлари шу манзарани тасвирлайди. Аввало кул учи, сунгра кафтларни, кейин билаклар, кейин буйин, бош, елка ва нихоят гавданинг колган кисмларининг харакатланиши танага жоннинг бармок учидан бошлаб кириб келганлигини ифодаловчи куринишлардир.

Хар иккала дунёкараш нуктаи назаридан каралганда хам мусика инсон хаётида мухим урин тутувчи, унинг маънавий дунёкарашини кенгайтирувчи ва маънавий эхтиёжини кондирувчи асосий воситалардан биридир. Зеро, мехнатсиз турмуш угрилик-санъатсиз турмуш вахшийликдир, - деган эди, файласуф К.Маркс.

Унинг пайдо булиши тугрисида хам фикрлар хилма-хил булсада, мусиканинг нихоятда кухна санъат тури эканлиги, унинг пайдо булиши ва тараккиёти тарихи инсоният тарихи билан узвий боглик эканлиги, жангу-жадаллар даврида унинг хам тараккиётига путур етишига юкоридаги гоялар эътироз билдира олмайди.

Урушлар натижасида халкнинг моддий ва маънавий бойликлари яксон килинган, ташиб кетилганлиги тарихдан бизга аён, бу эса мусика тараккиётига хам уз- узидан салбий таъсир курсатган. Китоблар чолгу созлар ва бошка маънавий бойликлар ёндирилган, йук килинган ёки ташиб кетилган.

Боскинчилар бундан кузлаган максад халкнинг маънавий дунёкараши шаклланишини сундириш, уларни имкон кадар куп муддатга кулликда ушлаб туриш булган.

Мусика товушларининг маълум лад асосида уюшган ва аник у куй тарзида ва кушик тарзида булиши мумкин. Дунё халкларининг мусикий амалиётидан бизга шу нарса маълумки хар бир халкнинг уз куй йуналишлари ва уни басталаш усуллари мавжуд.

Урта Осиё халклари мусикий асарларига эътибор берганимизда узбек миллий мусика услубий тожик, кораколпок, уйгур халклари мусикаларига хамоханг булишини, козок халки мусикаси эса киргиз халки мусикаси ва кисман туркман халки мусикасига хамоханглигини англашимиз мумкин.

## Ф О Й Д А Л А Н И Л Г А Н  А Д А Б И Ё Т Л А Р Р У Й Х А Т И.

1. Фитрат. «Узбек классик мусикаси ва уни тарихи». Т.; Фан. 1993 й.
2. А. Одилов. «Узбек халк чолгуларида ижрочилик тарихи». Т.; «Укитувчи». 1995й
3. Х.Хамидов. « Узбек анъанавий кушикчилик маданияти тарихи». Т.; «Укитувчи». 1996 йи.
4. А. Левиев «Узбек миллий чолгучилик тарихи». Т.; «Укитувчи». 2005 й.

## 2. Марказий Осиё халкларининг кадимги мусика маданияти

Режа.

1. Марказий Осиё кадимги маданият учокларидан бири.
2. Урта Осиё халкларининг кадимги маданиятини урганишда кадимги ёзма ва археологик ёдгорликларнинг роли.

Хар бир халкнинг мусика маданияти тарихи шу халкнинг умумий тарихидан келиб чикиб, асрлар суронида тобланди ва такомиллашиб борди.

Узбекистонда содир булаётган истиклолий жараёнлар жамиятимизнинг ижтимоий-сиёсий, иктисодий, маданий мафкуравий хаётида чукур сифат узгаришлари ясамокда. Халкимиз мураккаб бозор муносабатлари шароитида руй бераётган кийинчиликларга карамай «Кизил империя» даврида шаклланган ижтимоий онг, аввало бокимандалик кайфияти аста-секин бархам топаётганлигини ижобий холат сифатида кабул килмокда.

Дархакикат, хозирги мураккаб бозор иктисодий шароитида маданият ва умумий маънавият жамият ижтимоий тараккиётининг хал килувчи омилига айланиб бормокда. Зеро маънавият ўз-ўзидан пайдо бўлмайди, унинг мавжудлиги асрлар давомида халк миллатининг буюк сийморлари, мутафаккирлари томонидан бажарилган жуда катта ижтимоий-маънавий фаолиятининг натижасидир. Маънавият миллат ёки халкнинг тарихий жараёнларда ижтимоий тараккиётга эришувига кафолат беради. Зеро маданият, санъат, маданий мерос хар кандай жамият миллат ва халкнинг ўк илдизи тамал тошидир. Маънавият миллатни ижтимоий-сиёсий, иктисодий бухронлардан саклаб колишнинг мухим шартидир. Миллатнинг утмиш ва келажак олдидаги маъсулияти маънавиятга алохида эътибор беришни такоза этади. Максад-маданий меросни урганиш, халк хотирасига айлантиришгина эмас, айни пайтда уни янги сифатлар билан бойитиб келгуси авлодларга етказишдир.

Урта Осиё кишилик тарихи ва маданиятининг энг кадимги масканларидан бири хисобланади. Ушбу худудда сунгги вактларда олиб борилган археологик казиш ишлари, тарихий тахлиллар, илмий изланишлар, жахон ижтимоий цивилизациясининг бошка маконлари билан киёслашлар мана шундай фикрга келишимизга сабаб булмокда.

Узбек халки хам кадимги тарихдан маълум булишича не-не бало-казоларни бошдан кечирмади дейсиз. Эрамиздан олдинги III асрда юз берган грек-юнон боскини сунгра эрамизнинг XIII асридаги араб истилоси, кейинчалик XIII аср бошларидаги мугул истилоси ва нихоят XIX аср II ярмидаги рус истеълоси фикримизнинг далилидир. Бу истилолар узидан сон-саноксиз курбонлар, конли куз ёшлар чексиз талофат ва йукотишларнигина колдирдики, орадан неча асрлар утса хам халкимиз бу кунларни надоматлар билан эслайди. Яъни, хар бир истило халкимизнинг маънавият ва маданият тараккиётини юз йиллаб оркага суриб ташлади. Чунки бу истилолар натижасида маънавият ва маданий бойликларимиз булмиш, китоблар, кулёзмалар, маънавий обидалар ёндириб кул килинди ёки умуман йук килинди. Хозирги даврларда чет мамлакатлар кутубхона ва музейларидан топилаётган халкимиз тарихига доир китоблар, кулёзмалар ва моддий бойликларимиз саналмиш турли тарихий буюмлар фикримизнинг далилидир.

Бундай йукотишлар барча жабхалар каби мусика санъатимизга хам дахлдордир. Уруш ва вайронагарчиликлар окибатида курбон булганлар орасида балки канчадан-канча санъат ва адабиёт ахиллари, олимлар бордир. Вайрон булган обидалар ичида канчадан-канча санъат буюмлари, китоблар ва халкимизнинг маданий даражасини белгилаб берувчи ноёб буюмлар, чолгу созлари булгандир.

Тарихда мана шундай жахолатларга йул куйилмаганда балки, хозиргидек тараккиётга башарият аллакачон эришган булар эди. Каердаким жахолат кучайса, у ердан маърифат кочади. Илм-фанга рагбат булмайди, адабиёт ва санъат ривожи сустлашиб кетади. Тарихимизни урганиш ва суронли тарихимиздан керакли хулосалар чикариш, тарихда йул куйилган хато ва камчиликлар, яъни жахолат ва таркокликка йул куймаслик хозирги авлоднинг бош вазифаси булмоги керак, чунки юкорида биз санаб утган конли

истилоларнинг руй беришига халкимизнинг таркок яшаганлиги ягона давлатга бирикмаганлиги сабаб булган булиши мумкин.

«Халкни буюк келажак ва улугвор максадлар сари бирлаштириш, мамлакатимизда яшайдиган миллат, тили ва динидан катъий назар, хар бир фукоронинг ягона ватан бахт-саодати учун доимо маъсулият сезиб яшашига чорлаш, аждодларимизнинг бебохо мероси, миллий кадрияти ва анъаналарига муносиб булишимизга эришиш юксак фазилатли ва комил инсонларни тарбиялаш, уларни яратувчанлик ишларига даъват килиш, шу мукаддас замин учун фидойиликни хаёт мезонига айлантириш-миллий истиклол гоясининг бош максадидир»

(И.А.Каримов)

Собик шуролар даврида узбеклар ва Урта Осиёнинг бошка халклари маданияти хукмрон коммунистик фирканинг ижтимоий буюртмаси асосида миллий маданиятларининг чукур ва мустахкам илдизи мавжудлиги хас-пушланди, шубха остига олинди. Бу эса уз навбатида, у ёки бу махаллий халклар миллий маданиятининг камситилишига уларнинг кадимий ва кухналиги сунъий йуллар билан инкор этилишига олиб келди. Бу халклар маданиятларининг асл илдизлари йуклиги, уларнинг маданияти узга халклар таъсирида пайдо булганлиги хакидаги гайри илмий хулосалар уйлаб топилди. Жумладан, якин вактларгача хам Сугднинг асосий шахарлари булган Самарканд, Бухоро, Хива, Кеш ва бошкаларнинг 25 асрли шахар маданияти тарихининг илдизлари кайси даврга бориб такалиши номаълум эди. Окибатда айрим тарихчилар орасида бу шахарлар маданияти Эрон ахмонийлари ёки, Юнонистонлик эллинлар томонидан келтирилган деган тасаввур пайдо булди. Замонбобо ва Саразм ёдгорликларининг топилиши ана шу гайри илмий нуктаи назарга чек куйди ва Сугднинг шахар маданияти бир кадар кухна яъни, эолит ва бронза даврларига бориб кадалиши исботланди. Урганилаётган тарихий худудда маданиятнинг тарихи бевосита шу халкнинг келиб чикиши, шаклланиши., унинг моддий-маънавий жихатлари, турмуш тарзи. Рухий-психологик холатлари билан богликдир. Шу нуктаи назардан хам узбек халки маданияти тарихи шу халкнинг пайдо булиши тарихи билан тенгдир, десак хато килмаган буламиз.

Маълумки, энг кадимги даврларда яшаган турли халклар маданияти, шунингдек мусика-маданияти хам бир-биридан кескин фарк килмаган. Чунки, ибтидоий одамлар хаётида моддий-иктисодий турмуш муоммолари устивор хусусиятга эга булиб, шаклланиб келаётган маданият ва санъат эса уларнинг уша устивор йуналишидаги мехнат фаолияти самаралари билан бевосита боглик булган. Бу нарса купрок улар хаётидаги рухий холатлар, кечинмалар асосида пайдо булган. Шунинг учун хам турли халклар мусика, ракс санъати нутк билан боглик фаолиятини бир-биридан ажратиш жуда кийин булган.

Узбек анъанавий мусика санъатининг пайдо булиши, шаклланиши, ривожланиши хам халкимиз бошидан кечирган тарихий жараёнлар билан бевосита боглик холда кечган. Бошка халкларда булгани каби узбек, миллий мусика маданияти хамда миллий оханглар нота ёзуви, ёки бошка шунга ухшаш мусикий белги билан ифодалана бошланганига кадар катта тарихий йулни босиб утди.

Умуман миллий мусика маданиятимизнинг кадимги тарихини урганиш учун хозирги даврда чукур изланишлар олиб борилмокда. Тарихимизни урганишнинг энг асосий воситаларидан бири археологик топилмалар булса, иккинчиси ёзма маълумотлардир. Лекин афсуски кадиги халкларимиз тарихи, уларнинг кечинмалари, турмуш тарзи, маданияти ва санъати тугрисида маълумот берадиган ёзма манбалар жуда кам.

Мусика санъати инсоннинг узок тарихий даврлар давомида шаклланган ижтимоий фикри, гоялари, дункараши махсулидир. Ёзма манбалар, нота ёзуви кашф этилмаган даврлардаги мусика маданияти тарихи асосан археологик ёдгорликлар ёрдамида урганилади.

Шуни алохида таъкидлаш лозимки, кадимги Урта Осиё халклари кушикчилик ва мусика санъатининг бошка халклардагига ухшаш булганлигидан ташкари, узининг фаркланувчи жихати асосан миллий кушикчиликнинг шеърият ва ракс билан чамбарчас

богликлиги билан тавсифланади. Бундан шундай хулосага келиш мумкинки мусика, кушикчилик санъати мустакил равишда ва бошка санъат турларидан алохида равишда пайдо булмасдан аксинча санъатнинг бошка турлари билан уйгун, узвий богликликда булган ва кадр топган.

Ер юзининг кадимги цивилзация масканлари асосан ер шарининг иссик минтакаларида, яъни экваторга якин жойларга тугри келади. Чунки кадимдан инсонлар иссик жойларда яшашни хуш курганлар, бунинг боиси у даврларда инсонларга яшаш учун хозиргидек кулайликлар мавжуд булмаган (мухташам бинолар, электр, газ бошка иситиш воситалари), шунинг учун инсонлар имкон кадар иссик жойларга талпинганлар. Урта Осиё хам шундай илик минтака хисобланади. Агар ер шари харитасига назар ташланса Урта ер денгизининг икки киргоги Юнонистон ва Миср араблари, Эрон. Хинд, Кавказ, Урта Осиё, Хитой каби жойларда кадимий маданият учоклари мавжуд булганлигини асослаш учун хозир топилаётган археологик ёдгорликлар етарли асос була олади. Уларни текшириш, тахлил килиш дунё олимлари томонидан аллакачонок йулга куйилган.

Кадимги мусика санъати жанрлари ва шакллари ранг-баранг булиб, улар ижтимоий турмуш, халк анъаналари хамда маросимлари билан бевосита боглик булган. Урта Осиё халклари кушикчилик маданияти ва ракс санъати асосан мадхиялар, аллалар, йиги, харбий чакириклар, ибодат кушиклари, тантаналар ва байрамларда ижро этиладиган кушик ва ракслардан иборат булган.

Кушикчилик кадимги даврда халк санъати шаклида пайдо булиб, кейинчалик синфий жамиятга утиш ва ижтимоий табакаланиш натижасида унинг касбий (профессионал) шакли ажралиб чика бошлаган. Урта Осиёда эрамиздан аввалги дастлабки минг йилликнинг I-ярмида, яъни илк темир даврида ибтидоий жамоа тузуми узининг сунгги боскичини утаб, унинг урнига синфий жамият юзага келганлигини назарда тутсак, унда профессионал кушикчилик санъатининг илк асослари бундан икки ярим минг йил аввал шакллана бошлаган дейиш мумкин.

Кадимги касбий кушикчилик ва мусика санъати хозирги пайтдаги айни шундай санъат туридан анча фарк килсада, лекин синфий жамият шароитида хукмрон доиралар кароргохлари ва саройларида мусика, кушик хамда ракс билан махсус шугулланувчи кишиларнинг пайдо булиши бизнинг профессионал санъат тугрисида юкоридаги хулосага келишимизга имкон беради. Ибтидоий жамоа тузуми довридаёк илк куринишлари пайдо була бошлаган мусикий санъатимиз асосан афсонавий, кахрамонлик, эпик тарзда булган эди.

Юнон тарихчилари Кури. Руф, Геродот, Демокрит кабилар узларининг Александр Македонский (искандар Зулкайнар) юриши тарихига багишланган асарларида Урта Осиё халклари кушикчилик санъати жуда кадимий эканлигини таърифлаб утганлар.

Курц Руфнинг «Александр Македонский тарихи» номли китобида ёзилишича у скиф кабилаларининг жасур, мардонавор эканликларини кайта-кайта таърифлайди. Уларнинг хаётига турмуш тарзига кайта-кайта мурожаат этади. Китобда тасвирланишича Александр скифларнинг катта бир гурухини асирга олади ва уларнинг ичидан 30 нафар жисмоний жихатдан бакувват йигитларни дорга осишни буюради лекин, йигитлар улимдан куркмасдан дор тагига халк кахрамонлик кушикларини баралла куйлаб борадилар. Бундан таъсирланган Александр бу 30 кишини, уларга кушиб колганларни хам озод килади. Мана шу эпизоддан хам куриниб турибдики, кишини тетикликка, романтик кутаринкиликка ундовчи халк кушиклари уша даврларда яхши ривожланган.

Урта Осиё халкларининг грек-юнон истелосигача булган тарихи, маданияти, санъати, турмуш тарзи ва адабиёти тугрисида маълумот берувчи ягона ёзма манба хозирча эрамиздан олдинги IУ асрда Эрондан Бахтрияга келиб колган Спитам Зардуштир томонидан ёзилган «Авесто» китобидир. У Урта Осиё халкларининг эрамиздан олдинги XI-У-IУ асрлардаги холати, уша даврларда яшаган «саклар», «Массагетлар»нинг турмуш тарзи, маданияти, диний эътикодини узида мужассамлаштирган, мазмунан диний характердаги йирик асардир.

Академик А. Аскаровнинг фикрича «Авесто» китобида келтирилган маълумотлар археологик ёдгорликлар тахлили билан тулдирилган холда бронза даври охирлари ва илк темир даври халкимиз ижтимоий маданияти хакида тулик тасаввур бериши мумкин. Бу китобдаги матнлар маросимий ижро доирасида ва унга кулок тутган жамоа учун бадиий идрок нуктаи-назаридан хам узига хос кушиклар булганлигини алохида таъкидлаш мухимдир. Айтиш лозимки, унинг матнлари айни кушик сифатида махсус кироат шаклларига буйсундирилган. Бу эса куйидагича хулоса чикаришимизга асос булади.

А) Урта Осиё ва умуман шарк халкларида «Авесто»гача булган даврда хам кушикчилик санъати, умуман мусика санъати мавжуд булган ва унинг анъаналари ушбу китобда уз аксини топган.

Б) «Авесто» мукаддас китоб булганлиги учун хам кадимда Урта Осиё ва бошка Шарк халкларида дин ва кушикчилик бир-бирига мос равишда ва айни пайтда бир-бирини тулдирувчи маданий-мафкуравий омил сифатида вужудга келган.

Бизнингча «Авесто» ижодкорлари уни кушик шаклида, кироат усулида баён этганликларининг хам узига хос боиси булса ажаб эмас, зеро бундай усул уни узлаштирувчилар учун ортикча кийинчилик тугдирмаган. Ушбу китобда мазкур худудда яшовчи халкларнинг маданий-мафкуравий даражаси ва савияси, уларнинг ижтимоий талаб ва эхтиёжлари эътиборга олинганга ухшайди. Чунончи, унинг ички улчовлари кушик ижрочилиги талабига мувофик келувчи махсус шеърий бугин, кофия ва турок улчовларида куринади.

Маълумки, Урта Осиё ва Шарк халкларининг купчилик кисми оташпарастлик динида (айрим шарк халклари бутга сигинган) булган ва оловга, куёшга сигинганлар. Зардушт Ахурамазда бу диннинг йул бошловчиси. Пайгамбар хисобланган. У уз кавмлари орасида ушбу динни таргиб килган. Ушбу максадни амалга ошириш учун у Гатлар (ёки гохлар) деб аталувчи, аслида кушик килиб айтишга мулжалланган меъёрлар яратди. «Авесто»нинг 72 бобидан иборат биргина «Ясна»сида 17 та кисм гатлардан иборатдир.

Умуман олганда Урта Осиё халкларининг грек истелосидан олдинги тарихини урганиш жараёнида биз «Авесто»дан ташкари бир канча археологик топилмаларга хам эга булдикки, бу эса тарихимизнинг узок утмишини урганишимизда гоят кул келмокда.

Масалан: Навоий вилоятининг Сармишсой коятошига чизилган тарихи эрамиздан олдинги III-II минг йилликларга бориб такалувчи юздан ортик ( улар орасида раксга тушаётган кишилар тасвирланган иккита расм бор) расмлар уша даврларда аждодларимизнинг овчилик, дехкончилик билан шугулланганлигини курсатади.

## ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РУЙХАТИ


1. Фитрат. «Узбек классик мусикаси ва уни тарихи». Т.; Фан. 1993 й.
2. А. Одилов. «Узбек халк чолгуларида ижрочилик тарихи». Т.; «Укитувчи». 1995 йил.
3. Х.Хамидов. « Узбек анъанавий кушикчилик маданияти тарихи». Т.; «Укитувчи». 1996 йи.
4. А. Левиев «Узбек миллий чолгучилик тарихи». Т.; «Укитувчи». 2005 йил.

## 3. Кадимги Сугд, Хоразм чолгу созлари

Режа:

1. Кадимги Урта Осиё халкларининг чолгу созлари.
2. Марказий Осиёнинг мусика маданияти бошка Шарк мамлакатлари маданияти билан узаро маданий алокаси.

Урта Осиё халкларнинг кадимги турмуш тарзи ва маданиятини урганишда топилаётган археологик ёдгорликлар мухим рол ўйнамокда. Чунончи кадимда аждодларимиз мусика санъатининг факатгина кўшикчилик ва ракс тури билангина эмас, балки чолгу ижрочилиги билан хам шугулланганлигини топилаётган ашёвий далиллар исботлаб бермокда. Масалан: Самарканд вилояти Ургут тумани Мўминобод кишлогида олиб борилган кидирув ишлари натижасида аёл кабридан топилган турли зеб-зийнат буюмлари ва улар орасида топилган най сози, унинг тарихини ўрганиш юкоридаги хулосаларга келишимизган асос бўлади. Топилган най сози суякдан ишланган бўлиб нихоятда бежирим накшлар билан безалгандир. Унинг тарихини олимлар илмий экспертиза килиш йўли билан аникладилар ва 5-6 минг йилга якин эканлигини айтмокдалар. Бу соз хозир Самарканд шахридаги Республика маданий ёдогорликлар музейида сакланмокда. Бу топилма кадимги маданиятимиз тугрисидаги тасаввуримизни нихоятда бойитди. Бундан шундай хулоса чикаришимиз мумкинки, бундан беш минг йил олдин яшаган аждодларимиз хам амалий санъат, яъни буюмларга накш чизиш, жило бериш санъатига эга бўлганлар. Агар чолгу созларнинг ясалиши ва уларни ижро этишдаги мураккабликларни назарда тутсак, ўша даврда албатта, уриб чалинадагин, тирнаб чалинадиган, пуфлаб чалинадиган чолгу созларини дастлабки, содда кўпчилиги ёгочдан, тери ва бошка шунга ўхшашлардан ясалганлиги учун хам бизгача етиб келмаган. Най сози эса, суякдан ясалганлиги учун шунча йил ер остида сакланган, хатто темир хам бунчалик узок даврга бардош бермайди.

Умуман олганада шарк халклари орасида кадимдан бир-бирига ўтиш, яшаш, ижод килишда хеч кандай тўсик бўлмаган хар бир инсон ўзи хохлаган худудда, мамлакатда бемалол яшаши мумкин бўлган. Кадимда каландарлар, дарвешлар савдогарлар у мамлакатдан бу мамлакатга тез-тез ўтиб турганлар ва улар оркали мамлакатлараро алока мавжуд бўлган. Зотан юртимиз худудидан ўтган буюк ипак йўлининг тарихи хам жуда кадимийдир. Курц Руфнинг “Александр Македонский тарихи” китобида ёзилишича Гарб мамлакатлари хукумдорлари кадимдан Шарк мамлакатларига савдогарларни, олимларни жўнатиб, бу мамлакатлардаги шарт-шароитларни ўрганиб борганлар. Хатто бир савдогар Александрга юртимизни таърифлар экан “Бу шундай гўзал, хаволи, тог-тошли, дарёли жойни, унда яшовчилар гоят бой яшашади. Бойликлари шу даражада кўпки, хатто отларнинг ўзангиси тиллодандир” дея мактаган экан. Балки Александрнинг шаркка юриш килишига мана шу бойликлар сабаб бўлгандир.

Хар канча бўлганда хам Шарк мамлакатлари ва Шарк билан Гарб мамлакатлар ўртасидаги алокалар ўта калдимийдир. Бу алокалар натижасида факатгина озик овкат махсулотлари эмас, кимматбахо газламалар, идиш товоклар, мехнат буюмлари, иш куроллари, санъат ва маданият буюмлари у мамлакатдан бу мамлакатга ўтган. Худди шунингдек мусикачилар, чолгўчилар, хофизлар, раккосалар, дорбозлар, кизикчилар ва шунингдек ва бошка санъан ахиллари хам мамлакатлараро таз-таз сафарда бўлганлар хамда ўз санъатларини намойиш килганлар. Бундан ташкари улар факатгина ўз санъатларни намойиш килибгина колмай, ўша халк санъатини хам ўрганганлар ва уз юртларида намойиш килганлар.

Бу санъаткорлар купрок халк байрамларида, сайлларда ва сарой аёнлари хузурида уз санъатларни намойиш килган.

Ўрта Осиёдан келган санъаткорларни Хитой ва Мугул мамлакатлари жуда хурмат килганлар, жуда хам яхши муомилада булганлар, хурмат иззат курсатганлар. Хатто айрим санъат ахиллари уша мамлакатда йиллаб, баъзан умрбод колиб кетганлар. Тарихий адабиётлардан бу тугрида керакди маълумотларни топиш мумкин. Буни шоир Боборахим Машрабнинг куйидаги мисралари узида яккол ифодалаб турибди.

Зихи расволигин оламга солди шуру-шар танхо
Наханги нух фалак дарёси булди алхазар танхо
Нигорим бирла мен нурхондадурман халки дайртанхо
Каландарман жахонни сайр этиб килдим сафар танхо

## ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РУЙХАТИ


1. Фитрат "Ўзбек классик мусикаси ва унин тарихи" Т. Фан 1993й
2. А.Одлов "Узбек халки чолгулари ижрочилик тархи". Т Укитувчи 1995й
3. Х.Хамидов "Ўзбек анъанавий кушикчилик маданияти тархи". Т. Укитувчи 1996й
4. А.Левиев "Узбек миллий чолгусозлик тарихи" Т. 2005й.

## 4. Кушонлар салтанати даврида (Сосонийлар II-XII аср) Урта Осиё халклари мусика маданияти

Режа.

1.Марказий Осиёда Урта асрнинг дастлабки давридаги мусика маданияти.

2.Кушонлар салтанати даври тарихини урганишда археологик ёдгорликлар урни.

3.Кушонлар салтанати даврида касбий (проф-л) мусика, макомларнинг шакллана бориши.

Кушонлар салтанати даври (сосонийлар сулоласи деб хам юритилади) юртимиз тарихида 226 йилдан 651 йилларгача булган 400 йилдан ортикрок даврни уз ичига олади.

Эрамиз бошларига келиб юртимизда миллий озодлик харакатлари бошланди. Жойларда мустамлакачиларга карши галаёнлар тез-тез була бошлади. Мамлакатимизда хокимиятни Сосонийлар эгаллагач тинчлик ва тараккиёт даври бошланди. Бу даврда Урта Осиёда иктисодиёт, маданият ва санъатнинг гуркираб ривожланганлигини юртимиздан топилаётган маданият ва санъат археологик топилмалари тахлили курсатмокда. Бу даврда йирик шахарларда мусика чолгучилари ва унинг ижрочиларидан харбий юришлар , сарой тантаналари, хатто, оммавий маросимларда кенг фойдаланилган. Чунки, уша даврларда халкимиз Навруз байрами, Мехржон байрами, Хосил байрами каби умумхалк байрамларини нишонлаганлар. Подшох ва амалдорларнинг тантанали юришлари хамда козонилган галаба байрамлари мусика, кушик ва ракссиз утмаган. Бундан ташкари халк сайллари турли-туман халк уйинлари, дорбозлар, кизикчилар, карнай-сурнайчилар, кугирчокбозлар чикишлари номойиш килинган.

Археологик ёдгорликлар, топилган хайкалчалар тасвири бу даврда профессионал мусика, маком санъати, кушикчилик, чолгу ижрочилиги, ракс санъатининг аста-секин юкори нуктага томон кутарила бошлаганлигидан дарак беради.

Соз чалишдаги узаро журлик, унинг хозирги ансамбил шаклига ухшашлиги, журсозлик, журноавозлик уша даврда кушикчилик шаклининг илк мураккаб куринишлари пайдо була бошлаганлигидан далолат беради. Сарой мусикачилари ва кушикчилари, раккосалари уз мехнат фаолиятига касб сифатида карай бошлаши натижасида уларнинг маълум куй, кушик ва ракс репуртуарлари шакллана бошлади.

Сосонийлар салтанати 400 йилдан ортикрок вакт хукмронлик килган булса, шу даврларда майда-майда ички низоларни хисобга олмаганда нисбатан тинч, осайишта ривожланиш даври булди.

Бу даврга оид топилмаларда чолгу созларидан уд, кушногора, арфанинг учбурчак ва эгик тури, думбра, ликопча ва бошка созлар тасвирини курамиз. Ёзма маълумотларда хабар берилишича шу даврларда чолгу созларидан арфа, уд, чанг, конун, танбур, дутор, доул, бургу, най, сурнай, карнай, сибизга. буламон, кушнай, доира, сафоил, руд ва бошка созлар булганлиги маълум. Шох саройлари, базмлари ва анъанавий маросимлари бундай чолгу созларидан фойдаланилган.

Уша даврларда Сугднинг йирик шахарлари Мароканд, Бухоро, Кеш, Утрор, Хива, Шош, Кат. Марв, Хужанд. Термиз ва бошкаларда ахолининг хунармандчилик, косибчилик катламлари шаклланган булиб, бу шахарларда мусика санъатининг ривожланиши учун хам кулай мухит пайдо була борди. Натижада йирик шахарларга мусикачилар тупланиб, умум ахолига туй-тантаналарда маданий хизмат курсата бошлаганлар. Улар бир-бирини кидириб юрмаслик учун шахарнинг маълум мавзеига тупланиб яшагаанлар.

Бу якинлик эса касбий-профессионал мусиканинг, хусусан мумтоз мусика санъатининг, макомларнинг яратилиши ва шаклланишига туртки булган. Чунки, мусикачиларнинг бир жойда яшаши беихтиёр улар уртасида ракобат уйгонишини такоза этади. Хар бир санъаткор узидан бошкаларнинг узиб кетишини истамаганлиги боис, уз касбини мукаммал урганишга, уз махоратини оширишга ( у хох созанда, хох хофиз, хох кизикчи, хох раккоса булмасин) интилганлар. Уз устиларида махоратларини ошириш, репуртуарларини бойитиш учун тинмай ишлаганлар. Натижада кейинчалик маком деб аталмиш мумтоз мусикий асарлар яратилгандир.

Кушонлар салтанати даврида Урта Осиё иктисоди, маданияти ва санъати гуркираб ривожланди. Санъат ва маданиятда шаркий, эллинча (юнонча), хиндча ва кучманчилик анъаналари коришмаси асосида янги кушон йуналиши таркиб топди. Шимолий Хиндистон худудида, Кобул дарёси водийси ва Бактрия, Амударёнинг сохилларида меъморчилик хамда хайкалторошликнинг куплаб ёдгорликлари сакланиб колган. Булар мазкур йуналиш Урта Осиё маданий хаёти тараккиёётида мухим боскич булганлигидан дарак беради. Ушбу худудларда олиб борилган археологик казиш уша давр маданияти, чунончи мусикий маданиятидан дарак берувчи куплаб хайкалчалар, деворларга ишланган расмлар топилган. Айникса, Сурхон вилояти Денов туманидаги Холчаён кишлогида олиб борилган археологик казиш ишлари жуда хам кимматли ёдгорликлар топилишига сабаб булди. Булар орасида созанда кизлар шунигнгдек, кугирчокбоз ва масхарабоз хайкалчалар куплаб учрайдики, улар ушбу давр мусика маданияти тарихидан дарак берувчи мухим далиллардир.

Бу даврга оид топилмалар Айритомдан хам топилмокда. У ерда топилган сарой пештокига икки хажвчининг рол ижро этаётганлиги тасвирланган. Шу жойдаги умумий дастада эса бир неча аёл расми акс этган булиб, уларнинг иккитаси мусикачилардир. Бу эса уша даврда чалгучилик билан купрок аёллар машгул булганлигини курсатади. Эркак созандалар эса турли хайвонлар киёфасида хажвга олинган.

Урта Осиё халклари орасида уд сози кадимдан кенг таркалган булиб, бу чолгу созининг расми Халчиёндан топилган хайкалчаларда хам, Айритомдан топилган девор накшларида хам, Хоразмнинг тупроккалъа, куйкирилган калъа ёдгорликларида хам учрайди. Бундан уд сози Урта Осиё халкларининг энг кадимий мусика сози булиб, кейинчалик куплаб шарк мамлакатлар, ундан сунг эса Европа мамлакатларига ёйилди ва лютния созига айланди деган хулоса чикади.

## ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РУЙХАТИ


1 Фитрат. «Узбек классик мусикаси ва унинг тарихи» Т.; «Фан». 1993 йил.

3. Х.Хамдов. «Узбек анъанавий кушикчилик маданияти тарихи». Т.; «Укитувчи» . 1996 йил.

4. А. Одилов. « Узбек халк чолгуларида ижрочилик тарихи». Т.; Укитувчи». 1995 йил.

5. А. Левиев. « Узбек миллий чолгусозлик тарихи». Т.; Арнопринт. 2005 йил.

5. Кушонлар салтанати даврида Урта Осиё халклари миллий чолгу созлари.

Урта Осиё халклари хаётида милоднинг II асри бошларидан то VII аср охирларигача булган давр Кушонлар салтанати даври деб юритилади. Канг давлати айникса Кушон салтанатининг гуркириб тараккий этган даврида бошланган юксалиш ушбу худуд ахолисининг хаётидаги маънавий жихатдан мухим узгаришларга сабаб булади.

Дехкончилик яхши ривожланган водий ва вохаларда ижтимоий турмуш узгариб борди ва бу, купинча йирик шахарларнинг юзага келиши билан тавсифланади. Шахарларнинг кенгайиши, мамлакат хаётида тутган урнининг ошиши, савдо-сотик туфайли мамлакатлар уртасидаги алокаларнинг кучайиши шахар маданиятини юкори кутарди.

Кадимги Панжакент, Самарканд ва бошка маданият маконларидан араблargача булган давр маданиятига доир манбалар, саройлар, макбаралар ва айрим уйлар деворларида уд, рубоб, най, чанг чалаётган айёллар тасвирланган хайкаллар, хумчалар, кумуш идишлар, деворий тасвирлар топилган булиб, улар эрамиздан аввалги II асрдан то эрамизнинг IX асрларигача булган даврлардан дарак беради.

Узок давом этган тадкикотлар натижасида тожик археологи Э.Гуломова Хуросоннинг Хутталён кисмидан гижжак ва уд чалаётган мусикачилар хайкалчаларини топишга мушарраф булди. Мутахассислар хулосасига кура ушбу хайкалчалар IX асрга таалукли булиб, Урта Осиё халклари аждодлари булмиш бактрияликлар, сугдийларда узга худолар катори, мусика ва кушик маданияти юкори кадрланганлиги уша давр хукмдорларининг саройда махсус санъаткорлар сакланаётганлигидан, уларга барча кулайликлар яратиб берилганлигидан билсак булади.

Манбаларда айтилишича сугдийлар ва бактрияликлар хатто, хитойликларга хам мусика ва ракс санъатини ургатар экан. Хозирги Тожикистоннинг «Чилхужра»номли кальасидан топилган най сози илк Урта асрлардан дарак бермокда. Яна шу ердан топилган бир соз торли булиб, IV-V асрларга тааллуклидир. Аникланишича у 4 та сим тортилган торли чалгудир.

Умумаан олганда, мусика созлари ва уларда куй ижро этаётган созандалар тасвирлари ишланган расмлар, турли накшлар, хайкалчалар хамда бошка безаклар, авваллари хам куплаб топилган, булиб, улар бир-биридан жиддий фарк килмайди. Чцунончи, «Болаликтепа»дан топилган мусика сози жуда оддий ишланган булиб, унга факат 1 та тор тортилган эди. Самаркanddаги Афросиёб топилмаларидан эса куп сонли мусикачилар тасвирини, жумладан уд сози тасвирини куриш мумкин.

Низомий Ганжавий уд созини таърифлар экан, унинг овозини сувнинг ёкимли шилдирашига ухшатади ва уни «Сугд куши» деб атайди. Бу таъриф эса уднинг келиб чикиши сугддан, яъни Урта Осиёдан эканлигини билдиради. Кейинчалик бу соз Сицилия ва Испания оркали утиб Урта аср Европасига етиб келган. Кейинги асрларда Уд сози такомиллашиб торлари 10 тага етган (хозир 11 та).

Демак Кушонлар салтанати даврида Урта Осиё халклари мусика хаётида уриб чалинадиган (доира, нагора, кушногора довул) торли чалгулар (арфа, чанг, уд, рубоб, думбира) камончали соз (кубуз, гижжак), пуфлаб чалинадиган чалгу (най, сурнай, карнай, сибизгилар) мавжуд булган. Бундай дейишимизга топилаётган археологик ва ёзма манбаларни урганиш асос булмокда.

6. Борбад Марказий мусикий фаолияти

Режа.

1. VI-VII Асрларда Урта Осиёда сиёсий-мафкуравий ва маданий вазият.
2. Борбад Марвазий хаёти ва ижод йули.

VI –асрнинг II ярмига келиб Марв вилояти Мавороуннахрнинг мухим сиёсий-маъмурий, маданий марказларидан бирига айланди.

Бу вактда Турк хоконлигидаги ички зиддиятлар кучайиб, унинг мустахкамлигига путур етаётган эди. Шунинг учун VI асрнинг охирига келганда хаконлик парчаланиб кетди. ( Гарбий ва шаркий кисмларга булиниб кетди)

Шаркнинг серкирра ижодкори турон заминининг Марв вилоятида таваллуд топган илк аллома бастакор, хофиз ва уз созининг мохир ижрочиси Борбад Марвазийнинг ёшлик даврида Турон заминидаги сиёсий вазият мана шундай эди. Манбаларда курсатилишича у 588 йил Марв шахри якинида укимишли оилада дунёга келган. Унинг отаси замонасининг етук маърифатли кишиларидан булиб, шоир, созанда ва ажабтавур хофиз булган эди. У Шарк халклари мусика маданиятидан хабардор киши булиб, анча танилган эди. Шунинг учун Борбад ёшлик йилларида мусикий таълимнинг дастлабки маълумотларини отасидан урганди.

599 йилда у Марв шахрига укишни давом эттириш учун келиб, то 617 йилгача Марвда колиб кетади. Марвда олган билимлари уни келажакда шарк халклари калбини забт этадиган санъат асарлари яратишда катта ахамиятга эга булди.

Барбад табиат ином этган бетакрор ёкимли овоз сохиби, созанда, бастакор, раккос ва шоир эди У Марвда 29 ёшигача яъни Эрон шохи Хусрав Парвиз II хузурига боргунга кадар танилган эди, шунигдек Бактрия, Сугд ва Маргиёна халклари мусика маданиятидан хабардор эди.

(Урганилаётган даврда Урта Осиёда руй бераётган узаро курашлар, сиёсий вокеалар. Шунинггдек турк хоконлигининг Эрон кушинларидан кетма-кет зарбага учраши наитижасида жиддий заифлашиб бориши халк хаётининг барча жабхаларига, жумладан маданий турмушга хам салбий таъсир курсатар эди. Айни пайтда, Эрон Сосонийлар шохи булмиш Хусров Парвез II саройида хунар эгаларига, жумладан санъаткорларга кулай имкониятлар яратилган эдики, натижада бу ерда купгина хорижий мамлакатлардан бадиий ижод ахиллари келиб. Шох сароидаги хизматга утган эдилар).

Хусрав Парвез II шохлик даври (590-628 й.) давом этган булиб. Бу давр маданият ва санъат анча ривож топганлиги билан тавсифланади. Абу Мансур ас-Саолибийнинг ёзишича Сосонийлар хукмдори Бахром Гур Хиндистондан турли сохаларда фаолият курсатгач 400 нафар санъаткорни Эронга келтирган ва уларни яшаши учун кулай шароит яратиб берган. Эрон тарихчиси Хамза Исфахоний (X-аср) Бахром Гурнинг Хиндистондаги 2 мингга якин кушикчи ва созандаларини олиб келиб, Эроннинг турли вилоятларига таркатиб юборганлиги тугрисида ёзади.

Санъатни севиш, унинг намоёндаларини эзозлаш хусрав ПарвезII нинг шахсий хислатларидан булганлиги унинг саройига замонасининг энг машхур санъаткорлари тупланишига сабаб булди. Улар орасида Саркаш, Бамшод, Нокус, Ромтин, Навогар, Сархаб, Озодвар, Чанги, Рубослар булиб, Борбад Марвазий эса ёркин бир юлдуз эди ва алохида ажралиб тутар эди.

Кадимги «Хусравоний» туркумидаги мумтоз мусика асарида баён этилишича. Навруз байрамларида одатда Борбаднинг «Фаёлобад» кушиги купчилик томонидан доим куйланар эди. Бу эса кушикнинг жуда оммалашганлигидан далолат беради. Маскур асарда Борбад хакида: «Унинг кушикларида, узи тукиган шеърларида шохнинг таърифи, унинг мажлису зиёфатлари, харбий юришлари ва эришган галабалари мохирлик билан куйланган. Борбад халк олдига хар бир чикишида бирор янги шеър ва кушиги билан чикиб тингловчиларни лол колдирган. Унинг хар бир таронаси бошкаларникидан ажралиб турган. Унинг шеър ва кушиклари шохни мурувватли одил булишга, бечораларга ёрдам кулини чузишга, гунохкорларни авф этишга чакиради. Хатто шохга нохуш хабарлар хам Борбаднинг шеър ва ашулалари оркали билдирилган. Чунки, шохга нохуш

хабар олиб келувчилар купинча жазоланар эди. Шундай хусусиятлари учун хам унинг саройидагина эмас, балки улус орасида хам обру-шухрати юксак эди».

Борбад санъат тарихида бирор санъаткор тутмаган йулни кашф этди, яъни йилнинг хар бир кунига багишланган 360 дан ортик куйлар яратди. У ижод этган бошка 30 та тарона «Ой сокинлиги», « Ширин боги», «Рух йуллари», «Тахт». «Такдиршахти», «Кум-кук». «Сарвистон», “Марварид соябони” ва хокозо деб аталар эди.

Муаллиф Абдулкодир Умар Богдодий (1093 йилда вафот этган) узининг «Хазинат ул-абад» номли асарида ёзишича араб кушикчилари Хусрав Парвез 11 саройига атайлаб келиб, Борбатнинг нихоятда меъёрига етказиб ижро этган «Хусравоний» (шохона) мусика асаридан урганиб кетар эканлар.

Хусравоний харбий, тантанали ва ватанпарварлик кушиклари мажмуи булиб, у куплаб кушикларни уз ичига камраб олган. Улар ичида «Мазондарон» кушиги айникса машхур булган. Бу кушикнинг мазмуни кадимги мукаддас «Авесто» китобидаги матнларидан олинган шеърий йули ва мусикасини Борбад узи яратган.

Инсоният тарихи шундан гувохлик берадики, куплаб сохалар олимлари, шоирлари, ёзувчилари, саркардалари номлари юзлаб, хатто минглаб йиллар давомида миннатдор авлодлар ёдидан кутарилмайди. Номи асло унитилмас ана шундай буюк инсонлар орасида бундан 1400 йилдан ортикрок яшаб утган дахо бастакор, машхур хофиз ва созанда шоир Борбад Марвазийнинг ёркин сиймоси хам бутун Шарк маънавий хаётида сунмас юлдуздек чараклаб турибди.

1690 йилда француз шаркшуноси Л. Элбело «Шарк кутубхонаси» асарида Борбад хакида илк малумот келтириб, ундаги улуг санъаткорга багишланган махсус маколада унинг Сасонийлар сулоласи туртинчи вакили булмиш Хисрав Парвез II-замонида яшаб ижод этганлиги кайд этилди. Даниялик машхур шаркшунос А.Кристенсен эса уни Шарк халклари мусикаси санъатининг асосчиларидан бири хисоблайди. Хеч кайс арбоби тарихда ва адабиётда унингдек ёркин из колдирмаган. Борбад уз хаёти давомида 360 та тарона ва бир неча кушиклар мажмуаси яратдиким, булардан 148 тасининг номлари хозир хам манбаларда доим эсланади. У яратган асарларнинг номлари шарк халклари мусикасида хозирги кунгача узгармаган».

VIII-асрнинг атокли бастакори ва йирик мусикашуноси Иброхим ал-Мавсулийнинг угли Исхок ал-мавсилий (767-850 й.) Борбаднинг барча асарларидан хабардор булган, уларни мукаммал урганиб тахлил килган ва уз навбатида шогирдларини буюк бастакор Борбад ижоди билан якиндан ошно килган.

903 йилда Ибн ал-факих ал-Хамадоний Исфахонда булганида, бу шахарда Борбад яратган мусика ва кушикларнинг жуда кенг таркалганлигини, Ал-Фарозий ал-Историй 951 йил узининг «Давлатлар йули»китобида унинг мусика ва кушик бобида барчадан узиб кетганлигини таърифлайди.

X-аср биринчи ярмида тарихчи Абу Бакир Наршохий Борбаднинг машхур «Киний Сайёвуш» (Соёвуш касоси) кушиги Бухоро шахрида кенг таркалиб, муайян маросим асари сифатида шухрат топганлигини ёзади.

Шоир ва ёзувчи Мухаммад Авфий Бухорийнинг ёзишича XIII-аср бошларида Бухоро ва Самаркандда Борбаднинг факатгина мусика асарларигина эмас, балки шеърлари хам жуда машхур экан.

Буюк озор шоири Низомий Ганжавий узининг «Хузрав ва Ширин» достонида Борбаднинг санъатини юксак бахолаб берган, унинг ижрочилик санъати нихоятда нозиклиги, яратган куйлари эса таъсирчанлигини баён этган.

Умуман айтганда Шаркнинг буюк алломалари Хаконий Асрокий, Умар Хайём, Хофиз Шерозий, Фахриддин Гурган, Алишер Навоийлар хам Борбад ва унинг ижодига хос юксак маънавиятни алохида таърифлаганлар.

Урта Осиёлик созанда, хофиз ва бастакор борбад Марвазий шухрати Шаркнинг бошка халклари орасида хам кенг таркалган хакида бошка муаллифлар асарларидан хам мисоллар келтириш мумкин.

Биз Борбадгача булган даврлардаги мусика тарихига назар ташласак, шохлар саройи санъаткорлари ижодида муайян шахсга сигиниш анъанасини,

хукмдорларини кукларга кутариб макташ, мадх этишни кузатишимиз мумкин. Борбад эса бундан ташкари халкчил, оммабоб, чинакам дунёвий санъат хам мавжуд эканлигини курсатиб, исботлаб берди. У табиатни, йил фаслларининг гузалликларини, инсонларга хос булган фазилатларни куйлайди.

Тарихий манбаларнинг гувохлик беришича Борбад асос солган мусикавий санъат тизими ундан кейин довом этмади.

IX-XIII-асрларда яшаб утган Урта Осиёлик мутафаккирларнинг тарихий ва мусикага доир рисолаларида, айникса Ибн Хурбатбек, Фаробий, Беруний, Ибн сино, Умар Хайём, Абдухамид Газзолий, Хисрав Дехлавий, Нажмиддин Кавкабий, Дарвиш али Чангий, Мухаммадхон Сайфий, Лутфулла Баходир, Рожжанд Ахмадободий ва бошкаларнинг асарларида у яратган том маънодаги бастакорлик услуби бу услубларнинг назарий–амалий асослари янада такомиллашди ва ривож топди.

Бухоролик Нажмиддин Кавкавий XVI-аср бирнчи ярими ) Дарвиш Али Чангий (XVII аср) Али Дуст Нойий (XVII –аср) Амир Кибар Самаркандий (XVIII-аср) ва бошка куплаб юртимиз машхур мусикачилари Борбаднинг давомчиларидир.

Байт; Бу дунёда Сасонийлар, Самонийлар туплаган
Шунча мулку неъматлардан нима колди бу замон
Ва лекин Рудакийнинг касидаю мадхлари
Хамда Борбад кушиги яшаб келмокда хамон
« Борбаднома»дан

## 7. Урта Осиёлик машхур мусикачилар Ромтин (557-620) ва Нокус (549-623) хаёти ва ижодий фаолияти.

Араб истилоси арафаси (666 йил)да Туронзамин ички низолар окибатида икки кисмга, Шаркий ва Гарбий кисмга (УI аср охирларида) булиниб колган эди. Лекин шунга карамай, Урта Осиё халклари билан бошка кушни халклар уртасида азалий савдо-сотик ва маданий алокалар давом этаверди. Шуни алохида таъкидлаш керакки, уша даврларда Турон халклари узига хос маданият ва санъат сохиби эдиларки. Биз буни куйидаги манбада яккол куришимиз мумкин.

Абулфараж ал Исфахонийнинг араб тилида ёзган «Кушиклар китоби» асарида таъкидланишича, арабларнинг машхур кушикчилари Мусажжил хамда Ибн Мухрузлар бошка мамлакатлар катори Урта Осиёда хам булиб, бу худудда турли куйларни урганганлар ва улар асосида кушиклар ижроси тизимини яратиб, араб байтларини ижро эта бошлаганлар. Бу эса уша даврда Туронзаминда чалгу мусикаси ва кушикчиликнинг жуда хам ривожланганлигидан далолат беради. Бунга алохида эътибор беришимиз шунингг учун хам жоизки, кадимда ва урта асрларда Турон ва Хуросон хуалклари узаро мустахкам иктисодий ва маданий алокага булганлар. V-VII-асрда Хуросон халкларининг аксарияти Парфияликлар тилида сузлашгшан. Кейинчалик Ромтин ва Нокус яшаган даврларда эса форсий-дорий тили аста-секин устунликка эга була бошлаган.

Атокли мусикашунос В. Виноградов узининг «Классические традици иранской музыки» номли асарида «Уша даврда турон ва унинг йирик шахарлари, жумладан Марв узининг маданияти хамда мусикий анъаналари билан машхур эди» деб ёзади.

Урганилаётган даврда Туронда руй бераётган ички низолар, сиёсий вокеалар, шунигнгдек Турк хоконлигининг Эрон кушинларидан кетма-кет зарбага учраши натижасида заифлашиб бориши, Эрон Сосонийлар шохи Хусрав Парвоз-IIнинг хунар эгалари, жумладан санъаткаорларга кулай имкониятлар яратиб бериши купгина хорижий мамлакатлардан санъаткорларнинг бу ерга турланишига сабаб булди. Шулар орасида Туроннинг Марв шахридан Ромтин, Нокус ва Барбадлар бор эди.

Умуман сосонийлар сулоласи тарихда 400 йилдан ортикрок (226-651 йиллар)хукмронлик килган ва тарихда уларнинг хукмронлик даври маднияти ва санъатининг гуллаб яшнаган даври хисобланади.

Хусрав Парвоз-I1 саройида шаркнинг буюк мусикачи ва хофизлари, жумладан Саркаш, Бамшод, Нокус, Ромтин, Навогар, Саркоб, Озодвар, Робустлар тупланган булиб, уларнинг бошлиги Саркаш эди.

Туроннинг Марв шахрида тугилиб усган санъаткор, чалгучилик ва кушикчиликда узига хос услуб ва йуналиш кашфиётчиси Ромтин (557-620) хам Урта Осиё халклари кушикчилик тарихида жуда катта урин эгаллади. Унинг санъатига таъриф берилар экан, аввало бу борада шарк алломалари ёзиб колдирган манбаларга суяниш лозимдир.

XIX аср адабиётшунос олими Ризокулихон Хидоятнинг гувохлик беришича, Роминлик мохир мусикачи булиб, чанг созини чалишда катта шухрат ортирган ва шу соз учун бир канча махсус куйлар яратган.

Абу Мансур ас-Саолибийнинг «Ятимат ат-дахр» номли асарида Ромтин Сосонийлар даврининг машхур созандаларидан бири булиб, «Дил овлаш», « Кушик ва кушикчи», «Созловчи» деб аталган бир канча куй ва кушиклар яратилганлигини ёзади. Муаллиф Ромтиннинг келиб чикиши жихатидан Мавороуннахрлик эканлигини алохида таъкидлаб утган.

Чунончи Эронлик Шам Розий (VII аср) узининг «Ал Муъжам» асарида Хусрав Парвоз-II Саройида Ромтин чанг чалишда мохир булиб, куплаб куй ва кушиклар ижод этганлигини , тарихчи Махмуд Гархдизий «Зайн ал ахбор» асарида Ромтин энг машхур чангчи созанда булиб, чанг чалиш санъатини энг юкори чуккисига кутарган» деб таърифлайди.

Урта Осиёлик хусусан Марвлик санъаткорлардан яна бири –машхур чангчи, кушикчи хамда йирик бастакор Нокус (549-623) булиб, у чанг чалишдаги юксак махорати туфайли «Чангий» тахаллусига эга булган.

Нокус хам Сосонийлар шохи Хусрав Парвоз-II саройининг етакчи санъаткорларидан бири булиб, унинг донги кушни ва олис мамлакатларга кенг ёйилган эди. Таникли санъатшунос олим Б. Штейнбергнинг таъкидлашича Сосонийлар даврининг икки буюк санъаткори Барбод ва Нокус узлари хаётлигидаёк юксак шон-шухратга эга булган эдилар. Уларнинг хар иккиси хам хукмдорнинг зиёфату-базмларида маком, достон йулларида ва бошка турли услубларда кушик ва куйлар ижро этиб, барчани лол колдиришган.

Нокус чанг чалишда уз даврида ягона эканлиги, юксак махоратли созанда ва бир канча куй-кушиклар басталаганлиги Ал Жохизнинг «Китоб ат-Тож», «Абул Фараж ал-Исфахонийнинг «Китоб ал-огогний» ва ас-Саолибийнинг «Ятамат ат-дахр» асарларида алохида таъкидланган.

Ризокулихон Хидоят узининг «Анжоманараи Носири» асарида ёзишича «Чимадрон» (либосни парча этиш) номли куйни яратган. Нокус уни ижро этганида тингловчилар беихтиёр уз либосларини пора-пора килиш даражасига етар эканлар. Шунинг учун хам куй юкоридада зикр этилган ном билан аталган экан.

Низомий Ганжавий, Амир Хусрав Дехлавий, Азракий каби мутафаккирларнинг хабар беришича Нокус ижодидаги «Навруз», «Рост йули», «Ушшок йули», «Ёкут йули» каби тароналар эл орасида нихоятда машхур булган ва узок давр халк тилидан тушмаган.

Саройда булиб утган мушоиралардан бирида 8 та маком, шунингдек, Барбат яратган 30 та кушик ижро этган. Унда Борбад узи ясаган борбат номли созни, Нокус эса чанг созини чалган. Улар уз санъатларини навбатма-навбат намойиш этар эканлар Нокус «Рост» макомини , Борбад эса «Ирок» макомини «Нокус «Рост» макомини Борбад эса «Исфахон»ни, Борбад эса «Зарифканд»ни ижро этганлар ва тингловчиларни уз махоратлари билан лол колдирганлар.

Чиндан хам Туроннинг уч буюк санъаткор-Борбад Ромтин ва Нокусни УI-УII асрлар урта Осиё маданияти ва санъатинигина эмас, балки барча Шарк халклари санъатининг буюк вакиллари деб хисоблаш мумкин. Улар Урта Осиё халклари мусика, шеърият, ракс ва бастакорлик анъанавий касбий (профессионал) йуналишини пухта узлаштириб, бетакрор ижодлари билан уни янада ривожлантирдилар.

Ромтин ва Нокус ижодларида уз санъати, юксак ижрочилик махорати билан Сосонийлар шохи саройидагина эмас, балки бутун Туронзамин халклари орасида хам

шарк санъатининг касбий (профессионал) ва ижтимоий обрусини оширишга катта хисса кушганликларининг гувохи буламиз.

## 8. Араб истилоси даври Урта Осиё халклари мусика маданияти

Режа.

1. Араб истилоси арафасида Урта Осиёда ижтимоий-сиёсий вазият.
2. Уруш курбонсиз булмас.
3. Араб истилоси асоратлари.

XII Асрнинг II-ярмига келаб Кушонлар салтанати фитна натижасида шаркий ва гарбий кисмга булиниб кетган эди. Эронда эса шох Хусрав парвўз II га карши фитна уюштирилиб, шох зинданбанд этилди ва урнига угли Шеруя утирди. Бундан мамлакатда турли карама-карши фикрловчи окимлар пайдо булди ва мамлакатнинг ягона максади йулида бирлаштирувчи кучларга тусиклар килди. Эрон ва Урта Осиёдаги бу таркоклик ва узаро ички низолаордан фойдаланган араб боскинчилари хижрий 46 йил (милодий 666 йилда) лашкарбоши Зиёд бин Абу Суфён Эронни босиб олди ва Балхга кирди. Бу шахар Урта Осиёнинг жанубий дарвозаси эди.

Уша даврда Бухоро тахтида Хотин подшох утирар эди. Араблар Бойконд шахрига хужум килгач хотин подшох турк хоконлигидан ёрдам суради. Ёрдамга келган куч шахарни камал килиб , олган арабларнинг орка томонидан хужумга утди. Натижада араблар марвгача чекинишга мажбур булди.

Лекин араблар кайта-кайта хужумга утавердилар, уларни юртидан кувиб чикариш эса хотин подшохнинг кулидан келмади.. Нихоят хижрий 87 (миолий 705 йил) Кутайба ибн Муслим кумондонлигида араблар Урта Осиёни то Тяншанга кадар забт этдилар.

Бу истило натижасида мамлакатда куплаб конлар тукилди ва куплаб моддий-маънавий, тарихий бойликлар, ёдгорликлар вайрон этилди, ёндирилди, бузиб ташланди, кимматбахо буюмлар эса ташиб кетилди.

Биргина Бойканд шахрини забт этишда бир бутхонада 40 минг дирхам огирликда соф олтиндан ишланган санамлар булиб, биттасининг кузлари урнида каптар тухумидек иккита инжу бор эди. Кутайби буларни кулга киритган улжаларнинг бир кисми билан араб халифаси Хоттотга юборди. Хоттот бунга ташаккурнома билдириш билан бирга таажубини хам билдирди. Араб баъдавийларининг махаллий халк томонидан тупланган бу бойликларга накадар очкузлик, хирс билан тухтовсиз хужум этганларини тушуниш мумкин.

Хижрий 91 (709 й.) Кутайба Марпвда кушинни дам олдиргач Бухоро устига туртинчи марта хужум килди. Бухоро подшохи каршилик курсатишни бефойда деб билди ва шахар дарвозаси очиб берилди. Бу юрт аввалига гайри матлуб куринган динни босиб келган фотихлар билан баробар кабул килиб, кейинчалик шу диннинг энг ашаддий мужокидларини хам етиштирди. Хозир Осиёнинг купгина худудларида ислом, гуёки, танназулга кетаётган бир холда, ёлгиз Бухородагина халифа Рашиднинг асиридаги расмлар давом эттирилмокда. «(Х.Вамбери Бухоро ёхуд Мавороуннахр тарихи 15 бет.)»

Юкоридаги далиллардан маълумки араб истилоси юрт бошига огир мусибатларни солди. Юрт хонавайрон этилди. Хотин-кизлар ва мол-мулклар мусодора этилди. Каршилик курсатганлар киличдан утказилди.

Юртда ислом дини мажбурий равишда жорий килинди. Лекин, араблар шу дин никоби остида халкни накадар узок муддатга кулликда ушлаб туриш, уларни талаш ва шунга ухшаш гаразли манфаатлари учун харакат килдилар.

Ислом динининг хам узига хос ижобий ва салбий гоялари мавжуд эди. Айникса араблар динни уз манфаатларидан келиб чикиб таргиб килдилар.

Араблар ерли миллатнинг маънавий дунёсини диний гоя билан банд этдилар. Миллатнинг узини таниши учун туртки буладиган спорт, адабиёт, санъат, шунингдек

мусика санъатининг тараккиётига динни карши куйдилар. «Мусика шайтоннинг иши» деб каралди. Яъни, у оллохнинг зикридан чалгитувчи восита дея мусикий маданият тараккиётига каршилик курсатдилар. Санъатнинг бошка сохалари рассомлик ва хайкалтарошлик кабилар хам у дунёда жон сурайди» дея такикланди. Спортга хам худди шундай муносабатда булинди.

Лекин, хар кандай тусик ва каршиликларга карамай санъат ва маданият араблар истилоси даврида хам маълум даражада тараккий этди. Миллий мусика санъатимиз, чолгу созларимиздан араблар уз санъатида фойдаланган булса бизнинг миллий мусика маданиятимизга хам маълум микдорда араб мусикаси ва чолгу созлар кириб келди. Кадимги Панжикентни, Самарканд ва бошка жойлардан арабларча бўлган давр маданиятига доир манбалар, саройлар, макбаралар ва айрим уйлар деворларида уд, рубоб, най, карнай, чанг чалаётган аёллар тасвирларган хайкаллар, хумчалар, кумуш идишлар ва деворий (накш)лар топилган бўлиб, улар эрмиздан аввалги II асрдан эрамизнинг I-IX асрларгача бўлган даврлардан дарак беришини олимлармиз аникламокда.

Узок давом этган тадкикотлар натижасида ўларок, тожик архиологи Э.Гуломмова IX асрга мансуб гижжак ва уд чалаётган мусикачилар хайкалчаларини топишга муваффак бўлган. Бу ёдгорликлар Хуросоннинг ХутталиёнI кисмидан топилган бўлиб, ўша давр шохлари саройига мансуб эди. Мутахассислар хулосаларига кўра ушбу ёдгорликлар Кадимги Бактирия ва Сугдийларда ўзга худолар катори мусика маъбудаси хам бўлганлигидан далолат беради. Эрамизнинг IV асрларидан бошлаб ўрта Осиё халклари ижтимоий хаётида аста секин кулдорлик тузуми ўрнини феодал тузуми эгаллай бошлади. Араб истилоси даврида юртимиз тўлик феодал ижтимоий тузумига мансуб эди.

Феодализм даврида Ўрат Осиё халклари маданияти янги тараккиёт боскичига кўтарилди VIII асрда Ўрат Осиёга Арабларнинг кириб келиши кенг худудда араб халифалигини барпо этди. Тирик жонзодни тасвирлашни такикловчи ислом динининг ёйилиши деворий суратларни шу жумладан чолгу созлари тасвирининг бархам топишига олиб келди VII-VIII аср лардаги араб истилоси Ўрта Осиё халклари маданияти тараккиётига сезиларли равишда салбий таъсир этди. “А.Одилов Ўзбек чолгуларида ижрочилик тарихи” Тош. Ўкит. 1995й 8-9 бетлар.

## 9. Араб истилоси даврида Урта Осиё халкларининг миллий чалгу созлари. (XII-IX асрлар)

Хорижий мамлакатлар олимларининг куплари асоссиз равишда, Урта Осиё халкларининг урта аср маданий бойликлари форслар ёки араблардан олинган ва бу уларнинг маданий бойликларининг таркибий кисми булган, деб карайдилар. Бу нотугри албатта. Урта Осиё залклари шаркнинггина эмас, балки бутун дунё фани ва маданияти хазинасига салмокли хъисса кушганлар. Урта Осиёдан чиккан купгина буюк олимлар замон талабларига кура араб ёки форс тилида ёзганликлари, уларнинг улмас асарларини уша тилга мансуб халкларнинг маданий бойликлари, деб хисоблашга асос булаолмайди. Урта Осиёдан чиккан олимлар ерлик халкларнинг илмий ва маданий анъаналарини давом эттирдилар ва кушни халклар туплаган маданий бойликларидан унумли фойдаландилар. Маком иборасининг Урта Осиёда хам жорий этилганлиги эса, утмишдаги тарихий-маданий шароитлар махсулидир.

Урта Осиёда араб истилоси дастлаб милоднинг 666 йилида содир булди. Уша даврда Бухоро тахтида хотин киши пожшох эди. У куп бож ва хирож эвазига араблар билан сулх тузишга (Уша вактда араблар лашкарбошиси Абу Суфён эди) эришди. Араблар Урта Осиёдан чиккандилар. Лекин 705 йилда улар Кутайба бошчилигида кайта истило килдилар. Вайрон булган ва талаб кетилган кимматбахо буюмлар каторида

тарихий обидалар, адабиёт ва санъат асарлари , хусусан миллий чалгу созлари хам бор эди.

Арабалар мамлакатда зур бериб ислом динини таргибот килар, адабиёт, санъат ва спортга эса, «шайтоннинг иши» дея каттик каршилик килар эдилар. Уша даврларда мусиканинг динга карши очикдан-очик кураши мумкин эмас эди. Созанда ва хофизлар мусикани халк ичида кенгрок ёйиш билан диний акидаларга карши курашиб келдилар. Бу курашлар уша даврлардан колган ривоятлардан маълум. Лекин очик курашнинг уша даврда имкони йук эди. Шариат конунлари ва хадисларда хам хонада чалгу созлари, тасвирий санъат асарларда саклашни таъкикловчи курсатмалар мавжуд эди.

Факат мусулмонлар байрамлари (хайитлар) ва туй томошалардагина чалгу чалиш ва кушик куйлашга рухсат этилар эди.

Мусиканинг инсон хаётида тутган ролини курсатувчи ушбу ривоят уша даврда уни химоя килиш учун яратилган эди. «Кадим замонда бир киши уни химоя килиш учун яратган эди. У «Кадим замонда бир юрт подшоси вафот этиб мамлакатга янги подшо кутариш лозим булибди. Аклли вазир эса подшохликка номзод танлашнинг антика йулини топибди. У мамлакатда подшох вафот этган куни тугилган барча гудакларни туплашни ва сарой машшоклари шай булиб туришларини буюрибди. Качонки гудаклар баравар йиглашга тушгач, машшокларга бир хазин куй чалишни буюрибди. Куй эшитганда йиглашдан биринчи булиб, тухтаган биринчи болани танлаб беришни айнлардан сурабди. Шу гудак подшо булади. Чунки, бу болада тугма хис, туйгу бор. Бола улгайгач аклли, халк ахволини унинг арз-додини зийраклик билан хис киладиган. Одил подшо булади, дебди.

Бу ривоятдан мантик шуки, мусика кишининг хис-туйгуларини ундаги инсоний фазилатларни улчаб берадиган торозидир. Бундай ривоятлар мусика, айникса макомлар тарихи ёритилишида хисобга олиниши лозим. Чунки улар Шарк халкларида мусиканинг тарихий тараккиёт йули ва ундаги карама-каршиликлар хамда мусика утиб келган огир шароитлар силсиласини акс эттиради.

Манбаларда айтилишича араб истилосигача ва истилодан сунг Урта Осиё халкларининг мусика санъатида уриб чалинадиган чалгулардан довул, табл, ногора, ликопча, пуфлаб чалинадиган чалгулардан най, сурнай, карнай, сибизги, торли созлардан барбат, кубуз, думбра, чанг, танбур, рубоб, руд, шайнур, чагана каби чалгулар мавжуд булган.

Манбаларда кадимда Урта Осиё мусика санъатида мавжуд булган учбурчак ва ёйсимон арфа тугрисида маълумот негадир учрамайди., ё улар истимолдан чикиб кетган ёки араблар даврида бошка ном билаг айтилган булиши мумкин. Чунки уша даврларда мавжуд булган айрим салгу созлари номлари биз учун нотаниш булиб, уларнинг тузилиши, ижрочилари тугрисида тулик маълумот йук. Булар кус, табурук, зир, чагана, шайнур, аргунчун каби созлардир.

## 10. Урта Осиё халкларининг уйгониш даври (IX-XII- аср) мусика маданияти

Режа.

1. Туркистон тарихида уйгониш даврининг «олтин аср», - деб ном олиши омиллари.
2. Уйгониш даври халк мусика чолгу созлар.

Араб истилоси туфайли буткул пораконда булган юртни IX- аср охирига келиб Самонийлар махаллий феодал сулоласи кийинчилик билан катта кисмини бирлаштирди. Самонийлар давлатининг пойтахти Бухоро йирик маданий марказга айланди. Бу ерда фан ва маданият тараккий эта бошлади. Тинч-осойишта турмуш тарзи жорий булгач маданият ва санъатнинг хам одамлар хаётидаги роли ошиб борди. Шахарликлар ва юкори табака номоёндалари турмуш тарзида мусиканинг роли янада ошди. Уша пайтлардаёк якканавоз,

журнавоз, ансамбь мусикачилиги ва раксни уз ичига олган вокал-чолгу мусика турлари мавжуд эди.

У даврларда сарой тантаналари маросимларида ижро этилган мусика алохида урин тутган. Манбаларда таъкидланишича Урта Осиё ва Хуросоннинг узга халклари маънавий турмуши мусикага хаддан ташкари якин булиб санъат улар хаётининг ажралмас кисми хисобланган.

Мусика ва кушик маданияти юкори кадрланганлигини уша давр хукмдорларининг уз саройларида махсус санъаткорларни саклаганлигидан, уларга барча кулайликлар яратиб берилганлигидан билиш мумкин.

Уша даврда Марвда махсус «мавригихон» мактаблари ташкил килиниб, сунгра бутун Мавороуннахрга таркалган. Уларда купрок халк кушиклари, ракслари, анъанавий фольклор урганилар эди. Шунингдек махсус мусика мактаблари хам ташкил этилиб, профессионал мусикачи, кушикчилар хам тайёрланарди. Манбаларда келтирилишича сугдийлар, бактрияликлар хатто Хитойликлар хам мусика ва ракс санъатини урганар эканлар.

Уша даврлар мусика ижрочилиги маданиятининг узига хос хусусиятларидан бир шунда эдики, чолгучилар нафакат бирор соз турини чала олиш, балки бир неча хил чалгуларни махорат билан чалиш ва ундан ташкари куйлай олиш уз овоз тембрини билиш ва шунга жур була оладиган созлардан бирини чалиш имкониятига эга булганлар. Шу билан бирга узлари куй ва кушиклар басталаганлар. Чолгучилар уз даврининг етук мусикачилари, хофизлари хамда шоирлари хам булганлар. Урта асрлар шароитида мусикий ихтисослашув махсус мусикий устахоналарининг пайдо булишига олиб келди. Мусикий маданиятда устоз-шогирд анъаналари карор топди ва ривожланди. Айни пайтда ансамбл ижрочилиги такомиллашди. Мусика санъатининг асосий куринишлари шаклланиб чолгу созларининг янги намуналари кашф этилиши хам шу даврларга бориб кадалади. Бундай ихтисослашув мусикачи ва хофизларни жипслаштирди. Улар халк байрамлари, сайллар, туй-тантаналарда мудом хизмат килар эдилар. Шунинг учун одамларга бир хофизни шахарнинг у четидан, иккинчисини бошка-томондан кидириш нокулайлик тугдирганлиги сабабли хофиз ва созандалар шахар марказидан энг кулай мавзуда махалла булиб яшар эдилар.

Бундай бир махалла булиб яшаш. Авваломбор санъаткорларни бир-бирини танишига сабабчи булган булса, кейинчалик уларнинг бир-биридан урганишларига ва йигилиб жамоа булиб куйлаш. Ансамбл булиб чалиш каби мусика санъатининг мураккаб жанрлари шаклланишига мана шулар асосида мумтоз мусика ва ашулалар яратилишига сабаб булди. Балки, макомчилигимизнинг шаклланиб боришига хам ушбу мухит уз таъсирини курсатгандир.

Тарихда самонийлар даври (IX-X- асрлар) хали етарлича урганилди, деб булмайди. Зеро бизнинг тарихимизни узок давр биздан яширдилар ва ёзма манбаларнинг куплиги билан ушбу даврда тараккиёт, шу жумладан мусикий маданият жуда хам гуркираб ривожланганлигини, ушбу даврда тараккиёт, шу жумладан ушбу даврда узларининг иктидорли, илмий назариялари билан жахонга танилган куплаб алломалар етишиб чикканлигини куришимиз мумкин.

Юртимиздан чиккан жахонга машхур алломалар Абу Райхон Беруний. Абу Наср Фаробий, Абу Али ибн Сино. Баховуддин Накшбандий, Исмоил ал –Бухорий, ахмад Яссавий, Мухаммад ат-Термизий, Ахмад ал Фаргоний ва бошкалар Урта Осиё маданиятини жахон халкларига халигача куз-куз килиб келмокда.

Шу билан бирга ушбу даврда мусикий маданият хам жуда яхши тараккиётга эришди. Анъанавий йуналишда куплаб мусика асарлари яратилди. Касбий профессионал мусика шаклланиб борди. Чолгу созлари хам такомиллашиб борди ва янги турлари яратилди. Уша даврларда миллий чолгу созларидан уд, Руд, барбат, танбур, аргунчун, конун, думбира каби чолгулардан кенг фойдаланилганлиги тарихдан маълум. Уша даврда санъаткорларга курсатган хизматлари ва ижрочилик махорати учун турли унвонлар хам берилган. Маслан: X-XI аср хоразмшох саройида яшаб ижод этган чолгучи ва

хонандаларга «Мутриби Маворауннахр» унвони берилган. Шундай унвон олганлардан бири Абу Бакр Рубобий булган эди. У уша даврнинг машхур созандаси ва бастакори эди.

У Бухорода махсус мусика мактаби очди, мусикий таълим борасида кулланмалар яратди. Айрим маълумотларга караганда шоир, олим, мусикашунос Мавлоно Рудакий хам ушбу мактабда таълим олган.

Бу даврда халк куйлари асосида кейинчалик узбек ва тожик халкларининг мумтоз куй-кушиги «шашмаком» учун пойдевор булган «Рост». «Хусравони», «Бода», «Ушшок», «Зирафканд», «Буслик», «Исфахон». «Наво», «Тарона» каби янги асарлар ижод килинди.

Уша даврларда кубуз, дўмбра ва бошка чолгу созлари билан шахар-кишлокларни оралаб халк тупланган жойларда узларининг ижодлари хамда достонлар куйловчи бахши шоирлар куплаб мавжуд булган. Халк ута-санъатга чанкок булиб, уларни жон кулоги билан тинглаганлар. Оммавий байрамлар, туй-тантаналар уларсиз утмаган.

IX асрлардан бошлаб юртимиз худудида профессионал кушикчилик санъатининг назарий-услубий ва амалий масалаларини ишлаб чикиш кучайди. Бирок бу кушикчилик санъатидаги профессионализм асосларининг вужудга келиши айнан шу даврдан бошланди деган хулоса чикармаслик керак. Зеро кушикчиликдаги профеционализм илдизлари жуда кадимийдир. Лекин араб истилоси натижасида ривожланиш суръатининг секинлашиб колиши юкоридаги хулосага келишимизга сабаб булади.

Тарихий кул ёзмалар ва чоп этилаётган бошка адабиётлар шундан дарак берадики, уйгониш даври кушикчилик санъатининг назарий асослари Абу Наср Фаробий, Абу Али ибн Сино. Ибн Зайли, Сайфиуддин Урмовий, Махмуд аш-Шерозий, Абдулкодир Марогий. Абдурахмон Жомий, Зайн-----------иддин Хусайний каби катор олимлар тадкикотларида янада такомиллашди.

## 11. Уйгониш даври (IX-XII аср) сарой касбий мумикаси.

Гап касбий мусика (профессионал) тугрисида кетганда унинг тугрисида тулик тушунчага эга булишимиз учун касбий мусика мохияти ва унинг тарихини билишимиз зарур. Касбий мусика деган сузнинг мохияти шундан ибортатки, бунда созанда ва хонандалар, хатто санъатнинг бошка турлари (кизикчилик, кугирчокбозлик, дорбозлик ва бошкалар) усталарининг шу хунарни мукаммал эгаллаганлиги ва факат шу хунар билан шугулланиши, шу хунардан моддий ва маънавий рагбат топиши, манфаатдор булиши (оила тебратиши) тушунилади.

Касбий мусикага ибтидоий жамоа тузуми емирилиши даврида асос солинган, яъни хали давлатлар, подшохликлар пайдо булмасдан олдин йирик кабилалар тупланган жойларда кушик, мусика, кизикчилик, халк уйинларининг баъзи (М: кураш) турлари буйича халк йигинлари, байрамлар, диний маросимларда уйин-кулгу, мусика, спорт уйинлари билан одамлар кунглини хушнуд килувчи санъат ва спорт усталари пайдо була бошлаганлар ва улар уз хунари оркали халк томонидан рагбатлантирилганлар. Бу эса касбий (профессионал) мусиканинг пайдо булишига асос булди. Кабила ва уруглар бир-бирининг бойлигига, ерига куз ола килиши натижасида кабилалар аро урушлар тез-тез булиб турган, голиб кабила маглуб булган кабила бойликларини тортиб олганлар, хотин – кизларни чури, узларини эса кул килганлар. Шу билан кулдорлик жамоа тузумига асос солинган. Кабилаларнинг йириклашиши кичик-кичик подшоликлар пайдо булишига, сунгра эса улар кенгайиб боришидан давлатлар вужудга келган. Подшолик саройларига эса хар хил адабиёт, санъат ахиллари туплана бориб, саройларда муким ишлайдиган професионал созанда ва хонандалар (хофиз)лар узларига бу хунарни касб килган. Улар уз касбларини ривожлантириш учун тинмай изланганлар ва натижада касбий мураккаб мусика жанрлари ансамбллар ва маком санъати пайдо була борган. Бундай мусика санъатининг мураккаб жанрларини яратиш ва ижро этиш учун юксак профессионал махорат зарур.

Подшохликларнинг кенгайиши ва йириклашиши натижасида сарой аёнлари сони хам купайиб борган, шулар каторида санъат ахли хам купайиб борган. Уйгониш даврида ёзилган ва бизгача етиб келган кимматли тарихий ёзма манбалар ичида Кайковуснинг

«Кобуснома» асари хам борки бу асар уша давр ахлок одоби, хусусан мусика санъати ахилларининг хам кандай ахлокка эга булиши лозимлигини курсатувчи насихатомуз тарбиявий ахамиятга эга булган асардир.

«…Агар сен хофиз булсанг, хушфеъл, кувнок бул, хамма вакт узингни тоза тут, сендан ёкимли хид келиб турсин, ширин суз бул, уз ишингга машгул бул, купол суз, ковоги солик булмагил. Хамма вакт огир йул ( маком)ларни чалаверма ва хамма вакт енгил йулларни хам чалаверма, чунки йулни бир хилда чалмаслик керак, негаки, одамларнинг хаммаси бир хил эмас, табиатлари хам бир-бирига мувофик эмас, чунки улар хилма-хилдир…»

Кобуснамада келтирилган бундай тартибли ибратли тавсиялар уйгониш даврига хос булсада узининг долзарблигини хозиргача йукотмаган, санъат ахли учун дастуруламал булиб келмокда.

Уйгониш даврида касбий профессионал мусиканинг тараккий этганлигини яна шундан билиш мумкинки, хофизликни ва созандаликни узига касб килиб олган санъаткорлар сони купайиб, эндиликда улар саройларга сигмай колдилар ва уларнинг ичидан энг яхши ижрочиларгина саройларда фаолият курсатар, колганлари эса сарой атрофларида махалла буйлаб яшашар ва халкнинг туй-томошаларида, байрам сайилларида. Сарой тантаналарида уз хунарларини намойиш этар эдилар. Бу эса аста-секинлик билан улар уртасидаги ракобатни кучайтириб борар эдилар. Мана шундай ракобатлар натижасида янгидан-янги чалгу куйлар, турли мавзудаги ва турли жанрдаги кушиклар ва куйлари, турли мавзудаги ва турли жанрдаги кушиклар ва хатто макомларга хам кушимча тароналар, савтлар, талкинлар, уфорлар богланар эди.

Демак уйгониш даврида мусика санъатининг тараккиёти учун Маворуннахр (арабча-дарё орти)да соглом мухит мавжуд булган ва буюк олимлар Фаробий, Абу Али ибн Синодек мусика санъати билимдонлари, Абубакр Рубобий, Алиберган Тамбурий, Мавлона Рудакий, Бунаср, Муамир.чангчи Лукарий каби махоратли созандалар ва хофизларни етиштириб берди.

Маком санъати хам тараккий этди, янги-янги чалгу ва ашулалар хисобига бойиди. Кейинги даврда яратилажак Шашмаком учун пойдевор буладиган «Рост», «Хусравоний», «Бода», «Ушшок», «Кучак» (Зирафканд), «Буслик», «Исфахон», «Наво», «Тарона» каби янги куйлар ижод этилди.

## 12. Уйгониш даври (IX-XII) Ўрта Осиёда Маком санъатининг такомиллашуви.

Халккимизнинг мусикка санъати жуда бой ва кўп кирралидир. Сермазмун ва ранг-баранг бўлиб, охангдор ажойиб куйларимиз кишига кувонч ва хурсандчилик, рухиятига ором баггишлайди. Уларн инсоннинг олижанлоб фазилатларини ифодалаб берувчи кучга эга.

Макком жанри ўзбек ва тожик халки мусикка меръосида алохида ўрин тутадиган катта хазинадир. Бундан ташкари, макомлар юксак бадиий-эстетик кучга эга бўлган асарлардир. Макомларнинг яратилиши жада ккдим замонлардан бошланган бўлиб, даврлар оша оддийдан мураккабга, кичикдан-каттага тамон ўзгариб, такомиллашиб борган.

Шашмаком Ўрта Осиё халкларининг кўп минг йиллик маданий-тарихий тараккиётининг махсулидир. У XVIII асрга келиб тўла шаклланган бўлсада, замонлар синовидан ўтиб, суронли тарихимиздан ўзида-из колдириб, ривожланиб келди. Шу сабабли Шашмакомда Ўрта Осиё халклари яшаган шароит, тарихий ходисалар, халкимиз турмуш тарзи ўз аксини топган. Бу ходисалар айникса макком шуъбаларининг номларида янада аникрок акс этган.

Юкорида келтирилган киёсий мисоллар ва фактларда маълум бўлишича. Шашмаком ўзбек-тожик халклари мусикка меъросининг асосини ташкил этади. У икки кардош халкнинг ўтмишдаги мусика бойликларини ўзида мужассамлаштирибгина колмай, кейинги даврларда юзага келган халк мусика асарлари билан кўшилиб кетди.

Маккомлар халк мусика ижодиётининг сўнгги даврлардаги тараккиётига кучли таъсир кўрсатди ва унинг ривожини таъминлади.

Шундай ккилиб, маккомлар Шарккда ва айникса Ўрта Осиё халккларида мусика маданиятининг ўрта асрлардаёк юксак бўлганлиги далили хамдир. Уларнинг киши рухиятига таъсир этиш хусусиятларини ал-Фаробий, Ибн-Сино, Сафиуддин Урмавий, Абдулкодир Марогий, Абдурахмон Жомий, Кавкабий_Бухорий ва XVIII асрда яшаб ўтган олим Дарвешали Чангий ўз асарларида кайта-кайта ўктириб ўтганлар. Масалан: Ушшок, Буслик, Наво макомлари ва Мохир, Нихованд шуъбалари кишига шижонат ва жасорат багишлайди. Бу жозибадор, охангдор маком йўллари кўпрок Ўрта Осиёда машхур бўлган. Рости, Ирок, Исфахон макомлари ва овозлардан Навруз, Гардония (Гардун), шуъбалардан Панжгох ва Завулий нозик, ёкимли маком йуллари булиб, кишига хузур, хушчакчак кайфият багишлайди. Бузруг, Зирафканд, Раховий, Зангула макомлари, Гавашт, Шахноз овозлари, Хисор, Хумоюн, Мубаркаъ, Ракб, Сабо, Бастан Нигор, Наврузи араб, Руйи Ирок шуъбалари гамгинлик, рухий хоргинлик, аламни ифодалаёйди. Макомлардан Хижоз, Хусайний, овозлардан Мойа, Салмак, шуъбалардан Нухуфт, Наврузи Баётий, Дугох, Уззол, Авж, Жавзий, Найриз эшитувчида хам кувонч, хам кайгу кайфиятини ўйготади.

Шундай килиб, рисолаларда кўрсатилган товуш каторлардаги интерваллар баъзи ўринларда темперация килинган диатоник товуш каторлар чегарасидан чикиб кетсада макомларнинг лад асоси умуман диотоник ладларга мос келади. Ўн икки маком системасига кирган куй ёки ашула йўлларининг киши рухига таъсири ўрта шарк мусикасига боглик рисолаларда шундай акс этган. Макомларнинг лад асоси бунинг далилидир.

Макомларнинг пайдо бўлиши, баъзи манбаларда кўрсатилишича, ўн икки маком йилнинг, ўн икки буржи (ойи) билан боглик экани (Рост-Хамал, Исфахон-Савр, Ирок-Жазво, Зирафканд-Саратон, Бузург-Асад, Хижоз-Сумбула, Буслик-Мезон, Ушшок-Акраб, Наво-кавс, Хусайний-Жаъдий, Зангула-Даолв, Рохавий-Хут), 24 шўъба эса куннинг 24 соатига боглаб ишланганлигини айтилади. Бундан ташкари хар бир макомнинг ижро этилиш вакти сутканинг 12 соатига бўлиб, кўрсатилади. Лекин. Бу фикрлар бизнинг кунгача бир афсона сифатида-етиб келган булсада, бунинг тагида катта бир хакикат ётади. Макомларнинг 12 ойга багишланишини араб истилосидан олдинги динимиз зардуштийлик билан боглаш, яъни буржларнинг мукаддас саналганлиги билан боглаб тушуниш лозим.

Макомлар араб истилосига кадар хам мавжуд бўлган, лекин улар маком деб эмас, балки бошка ном билан айтилган бўлиши мумкин. «Маком» ибораси арабча бўлиб, ал-Фаробий давридан бошлаб машхур бўла бошлаган.

Бунга асос, араб истилоси даврида Ўрта Осиё халклари маданий ёдгорликлари каторида мусикага оид тарихий манбалар хам ислом дини рухига тўгри келмайди, деган бахона билан йўкотилиб юборилганлиги мантикан тўгридир.

Ислом дини идеологияси Ўрта Осиё ва Хуросонда таркалганидан кейин дунёвий фанлар, олдинги дин таълимотлари, адабиёт, санъат ва айникса мусика маданияти тараккиётига катта тўсик бўлди. Макомларнинг араб истилосигача бўлган номлари тарих сахифаларидан бутунлай ўчириб юборилди. Ўрта Осиёлик улуг мутаффаккирларнинг жахон маданияти асарларида араб деб талкин килиниши хам улар асарларини араб тилида ёзилгани хамда ўзларига арабча тахаллус кўйганлигидир.

## 13. Уйгониш даври мусика маданиятининг тараккиётида мусикага илмий ёндошишнинг пайдо булиши

**Режа**.

1. Уйгониш даврида тараккий этган касбий (профессионал) мусика санъатига илмий-назарий ёндошишга сабаб булувчи омиллар.
2. Абу Насир ал-Фаробийнинг илмий мусикий карашлари.

Араб истилоси (XII-XIII -асрлар) давридан сунг юртда аста-секин тараккиёт ва ривожланиш кузга ташлана бошлади. IX асрнинг II-ярмига келиб улкамизда Самонийлар давлатининг вужудга келганлиги араб халифалигига карамликдан холос булишининг дастлабки куриниши булди. Кейинчилик маданий анъаналарга бой булган Урта Осиё бу даврга келиб уз маънавияти, маданияти ва санъатини юксакликка кутара бошлади. Улкадаги йирик шахарлар ва уларда маданиятнинг тез ривожланиши хамда бошка мамлакатлар-халклари билан маданий алоканинг кучайиши натижасида улкада хакикатдан хам уйгониш даври бошланди. Илм-фан, маданият, санъат, умуман маънавиятнинг барча жабхасида тарихда мисли курилмаган ютукларга эришилди. Фаробий, Ибн Сино, Беруний, Рудакий, Ахмад Югнакий, Ахмад Фаргоний диний фикхшунос олимлардан Аззамохшарий, Махмуд Кашгарий, Баховуддин Накшбандий, Исмоил Бухорий, Ахмад ат-Термизий, Нажмиддин Кубро Хазрат Ахмад Яссавий ва бошка куплаб дахолар шу давр маданий юксалишининг ёркин сиймолари эдила.

Араб халифаси Маъмун уз вактида Урта Осиёлик олимларни халифалик маркази булган Богдоддаги машхур академиясига олиб кетганда улар бу илм-фан ва маданият олий даргохининг курки булган эдилар.

Бу улкан маънавият даргалари орасида Мухаммад Хоразмий, Жавхарий. Ибн Мансур Марварудий каби йирик алломалар хам бор. Юртимиздан усиб чиккан бу мутафаккирлар номлари жахон фан ва маданияти тарихи сахифаларига олтин сатрлар билан битилгандир. Юртимизда уша даврлардаги ижодий жараён маълум тизимга келтирган булиб, араб, форс ва туркий тилда олиб борилди.

Тарихий манбаларда келтирилишича уша даврлар мусикий маданиятнинг назарий ва илмий асосларини урганишига хам дастлабки пойдевор куйилди. Таникли олим М. Хайруллаевнинг фикрича, мусикашунослик уша даврда математика илмининг бир кисми хисобланган булиб, барча математика илми билан шугулланувчи олимлар мусика илмига хам бевосита мурожаат этганлар.

Уйгониш давида алломаларининг мусикий илм бобида яратган илмий рисолаларининг барчаси хам бизгача етиб келмаган. Лекин тарихдан буюк комусий олим Абу наср ал-Фаробий узининг сермахсул ижоди давомида мусикий илм билан жуда жиддий шугулланган. Унинг «Мусикага оид катта китоб» асари бутун урта асрда маълум ва машхур булди. Ушбу маданият тамойиллари, атамалари ва бошка мухим масалалар хакида жуда бой маълумотлар келтирилганлиги билан хам кимматлидир. Олим ушбу китобида икки хил мусика ижрочилиги: охангни инсон овози (кушик санъати) ва чолгу созлари воситаларида кайта тиклашга ажратади. Фаробий мохир ижрочи сифатида чолгу созларига бахо бериб, «Жангу-жадалларда, раксларда. туй-томошаларда, кунгил очар базмларда хамда ишк, мухаббат кушикларини куйлашда чалинадиган чолгуларнинг турли-туманлиги ва уларнинг нафакат сарой аёмлари, балки шахар ва кишлоклар хунармандлари (ахолиси) орасида хам хурмати баландлигини таъкидлайди.

Ушбу асарида аллома мусиканинг илмий асосланишига уриниш узидан олдин хам мавжуд булганлиги тугрисида аник маълумотлар бера олган. «Чунки, утмишдошлар ва уларга эргашганлар, шунингдек уларга асрдош булганларнинг мусика хакида колдириб кетган асарларини диккат билан мутолла килмокчи ва сенинг мусика хакида билмокчи булган нарсаларнинг ва максад-муддаоингни озод этмокчи эдим. Чунки, борди-ю мусика хакида хар томонлама тулик ёзилган, мукаммал бир асар майдонда булса. Бу хакида яна китоб ёзиб утириш бехуда, утганларнинг фикр-мулохазаларини такрорлаб бориш нодонлик ва ёмон ният далилидир.

Фаробий уз асарида айрим масалаларда, хусусан кушикчилик санъатининг назарий асосларида хам катор чалкашликлар мавжудлигини ва шунинг учун улап хусусида узининг фикрларини баён этиш максадини уз олдига куйганлигини таъкидлайди. чунончи,у «Мусика хакида ёзилган китобларни укиганимда мусика санъатининг баъзи кисмлари четда колдирилганлиги мулохаза этилади ва мусика хакида ёзган кишиларнинг айтганлари айникса назарий масалаларда бир-бирига богланмаган хамда изохга мухтождир»-дейилади.

Фаробийнинг таъкидлашича «Мусикага оид катта китоб» (Китоб ал-мусика ал-кабир)асари уч китобдан иборат булиб, биринчи китобда мусика билимининг усул-коидалари ва уларга боглик турли жихатда тухтаб утилади. Иккинчи китобда мусика-чолгу созлари хакида сухбат курилади ва биринчи китобда айтиб утилган коидаларнинг кандай ишлатилиши курсатилади. Чолгу созларидан хар бирининг имкониятини айтиб утилади, улардан кандай фойдаланиш, уларнинг йуналиишлари, яъни илми таълимлар хакида суз боради. Учала китоб иккита катта булимдан ташкил топиб биринчи булим саккизта (8) иккинчи булим туртта (4) бахсни уз ичига олган.

Абу насир Фаробийнинг ушбу асари ичида билдирилган фикр ва мулохазалар китобда кутарилган муоммолар доирасидан анча кенгрокдир. Мусикий илмининг улкан билимдони булган Фаробий мазкур асарида келтирилган масалалар уз илмий-назарий ва услубий камрови билан бошка барча ижтимоий фанлар тараккиёти учун хам зарур илмий хулосалар беради. у хозирги кунда хам уз кадрини заррача йукотган эмас.

Фаробий мусика сохаси тарихини ва унинг урганилаётган давридаги холатини чукур урганиш асосида назарий мусика, амалий мусика хамда мусика созлари, оханг яратиш хусусида бахс юритиб, бу санъатнинг урта асрлардаги тараккиётини тахлил этади. У айрим мусикашунослар фавкулодда тасаввур кучига эга булиб, мусикани ёки уни ташкил этувчи товушларни созга мурожаат килмасдан забт этишларини бу ишда эса айрим мусикачилар бошкалардан пешкадам эканлигини айтиб утади. Булар орасида шундайлари хам бор эдики, улар куй яратиш учун хеч кандай воситага мухтожлик сезмай охангни таркиб этардилар.

Лекин, айримлари бундай ижодда заифлик иллатига дучор булиб, товуш воситаларидан бирортасининг кумагига мухтож булардилар. Хикоя килишларича Ибн Сурайж Маккий бирор мусикани таркиб килмокчи булса, эгнидаги кунгирокчалардан чиккан садо унинг узи айтган кушикнинг садосига мувофик келар экан. Шу вакт Ибн Сурайж (ибн Сарх) кул-оёк ва гавдасини маълум бир эпкинда харакатга келтириб, товушни охангга сола бошладилар. унинг кушик охангги, банди ва зарби бадан харакатига жавоб бера бошласа. кузда тутган оханг камолга етган булар ва у кушикни куйлай бошлар экан.

Буюк олим Фаробийнинг мусика хакидаги мукаммал асари «Мусика хакида катта китоб»дан ташкари «Мусика хакида-суз», «Ритмлар тартиби хакида китоб», «Ритмга кушимча килинадиган силжишлар хакида» каби асарларида мусика санъатининг илмий-назарий тамойилларини янада ривожлантирди ва уларни урганаётган давр учун юксак даражага кутаришга эришди.

## 14. Мавзу; Урта Осиё халклари мусика маданияти тараккиётида илмий рисолаларнинг урни

Режа.

1. Уйгониш даври алломалари абу Наср ал Фаробий ва Абу Али ибн Сино илмий рисолалари.
2. Темурийлар даври алломалари Сафиутдин Урмовий (1216-1294 й.), Абдурахмон Жомий (1414-1492 й.) Ибн Зайли (1044 йилда вафот этган), Абдулкодир Марогий (XV – аср) Кутбиддин аш Шерозий (1236-1310) Нажмиддин Кавкабий Бухорий (XVI –аср) мусика рисолалари.
3. Дарвеш Али Чангий (XVII аср) мусикий рисолалари.

Урта Осиё халклари кадимдан турлича «саклар», «массагетлар», «сугдлар» «Бактрияликлар» «Туркийлар», «Узбеклар»деб номланиб келинди, бу халк кадимдан маданият бешигини тебратган халк хисобланади.

Бу халк ичидан етишиб чиккан буюк алломаларни дунё афгор оммаси яхши биладилар ва улуглайдилар. Айникса, илм ахлининг хурматини доимо улуглаб келмокдалар. Абу Наср ал- Фаробий, Абу Али ибн Сино, Ахмад ал-Фаргоний, Абу Райхон

Беруний, ал-Хоразмий. Мирзо Улугбек, али Кушчи каби илм-фан дахоларининг номлари мана неча асрлардирки, тилдан тушмайди.

Мусика маданияти сохасида хам бундай улуг инсонлар анчагина Ал-Фаробий, Ибн Сино, Сафуддин Урмавий. Абдурахмон Жомий, Ибн Зайли, Абдукодир Марогий, Ал-Хусайний, Кутбиддин аш-Шерозий, Нажмиддин Кавкабий, Дарвеш али Чангий ва бошкаларни бунга мисол килиб курсатиш мумкин.

Урта Осиё халклари санъатининг назарий асослари тарихи асосан уйгониш даври (IX-XII аср)га, шу даврларда ёзилган илмий-мусикий рисолалар, олимларнинг мусикага фан сифатида караб, уни илмий жихатдан урганишга интилишгани ва бир катор илмий мусикий рисолаларнинг вужудга келганлиги даврига бориб кадалишини курамиз.

Лекин буюк олим Абу Наср ал-Фаробий узидан олдин хам мусика тугрисида ёзилган китоблар мавжуд эканлигини уз асарларида айтиб утган.

У уз асарларида мусикий илмнинг айрим масалаларида катор чалкашликлар мавжудлигини ва шунинг учун хам бу камчиликлар хусусида уз фикрини билдирмокчилигини баён этади. Чунончи, у «мусика хакида ёзилган китобларни укиганимда мусика санъатининг баъзи кисмлари четда колдирилгани мулохаза этилди ва мусика хакида ёзилган кишиларнинг айтганлари айникса назарий жихатидан бир-бирига богланмаган ва изохга мухтождир» дейди. Маълумки, бундай тадкикотчилар Фаробийгача куп булган, уларнинг хаммаси назарий билим ва истеъдод сохиблари булиб, мусикий билимларни олга силжитишдан бошкани кузламаган ва бир-бирининг кетидан узидан олдинги тадкикотчи фикр-мулохазалари билан танишиб, уз навбатида уларнинг фикрига-фикр кушганлар. Лекин уларнинг мусикий рисолалари унутилиб, эсда колганлари хам араб тилига ёмон таржима килинган. Фаробий буларни юкорида кайд этилган асарлардаги нуксоннинг бирдан-бир далили деб хисоблайди.

Узбек миллий мусика маданиятининг назарий масалаларини урганиш учун олиб бораётган изланишларимиз хозирча Фаробийдан бошлаб (873-950 й.) ундан кейинги даврларда турли олимларнинг ёзган рисолалари ва бу рисолаларда мусиканинг илмий-назарий томойиллари кай даражада ёритилганлигини тахлил килиш оркали уз самарасини бермокда.

Хозирча узбек мусика маданиятининг назарий томонини илмий жихатдан ёритишга багишланган куйидаги илмий-назарий рисолалар бизга маълум.

1.Абу Наср Фаробий (873-959 й.) «Мусика хакида катта китоб» мусика хакида суз», «Ритмлар тартиби хакида китоб», «Ритмга кушимча килинадиган силжишлар хакида» каби асарлари.

2.Абу Али ибн Сино (980-1037 й. ) «Китоб аш шифо» (ушбу китобда мусикага оид махсус булим бор), «Рисолаи фил-мусикий», «Мусика санъатига кириш», «Атрибутлар хакида китоб».

3.Ал-Хоразмий, (X аср) «Билимлар калити».

Ибн Зайли (1044 йил вафот этган) Мусика хакида тулик китоб».

Сайфуддин Урмовий (1216-1294 й.) «Олийжаноблик хакида китоб», «Шарафия китоби»

Абдурахмон Жомий (1414-1492 й.) «мусика хакида рисола».

Абдукодир Марогий (XV аср. 1340-1435 й. Темур саройи) «мусика илмида оханглар туплами (Жами ал-алхан фи-илм ал-мусикий) «Гина ал-алхон» , «Шарх ал-адвор.

Нажмиддин Кавкабий_Бухорий (1480-1535 й.) «Рисолаи мусики». «Рисолийи дар баёни Дувоздах маком».

Ал-Хусайний (XV аср) «Конуний илмий ва амалий мусикий».

Мухаммад Нишопурий (XIV-XV аср) «Мусика –илми хакида китоб».

Боκий Намний (XVI аср) «Замзамаи вахдат».

Гиёсиддин Рампур (XVII аср) «Мусика илм хакида» лугати.

Вожид Алихон (XVII аср) «Матла ал-улум ва мажма ал-фунун» рисоласи.

Дарвешали Чангий (XVII аср) «Тухфат ус-сурур». «Рисолаи мусикий».

Муаллифи номаълум «Рисолаи мусикий» (асосан макомлар тугрисида булиб, макомларнинг пайдо булишида эр. Олдинги VI-V асрларда яшаганюнон олими Плутон (Афлотун)га боглик эканлиги,яъни Афлотун макомларни йилнинг ун икки буржига мослаб яратилганлиги (1 Рост-Хамал. 2 Исфахон-савр. 3 Ирок-жазво. 4. Зарифканд-Саратон. 5. Бузрук-асад.:. Хижоз-сумбула. 7. Буслик-мезон.8. Ушшок-акраб. 9. Наво-кавс. 10. Хусайний-жадий. 11. Зангула-далв. 12. «Рохавий-хут» айтиб утган.

Муаллифи номаълум «Рисолатун-фи-илм ул-мусикий (ушбу рисола хам асосан макомлар тугрисида булиб, унда макомларнинг келиб чикиши Юсуф пайгамбарга такалиши, яъни Юсуф уз одамлари билан Нил дарёси буйида келаётганда дарёдан катта бир тошга кузи тушади ва одамларга у тошни чикариб олишни буюради. Харсангни олиб йулга тушадилар. Лекин масофа узок булганлиги сабабли йулда чанкаб, толикиб коладилар. Хатто одамлар ула бошлайди. Шунда Юсуф оллохдан ножот сурайди. Оллохдан «хассангни тошга ур хой, ЮсуфI деган вахий келади. Юсуф хассасини тошга урганда тошдан 12 та тешик очилиб сув фаввора булиб отилиб чика бошлайди.

Шунда яна вохий келибди. Хой, Юсуф тошга кулок тутI. Юсуф тошга кулок тутса ажиб бир охангa таралмокда эмиш. Шунда яна вохий келибдики, «Хой Юсуф бу товуш ва охангларни эсингда сакла» Юсуф товушларни хотирлаб колибди ва хар биридан бир макомни яратган экан. Булардан шундай хулоса чикадики. Маком санъати яратилиш тарихи жуда хам кадимийдир. У-охангга жойлашган тафаккурдир.

Юкорида биз мусиканинг назарий асосларини тахлил этган ва унга багишлаб илмий рисолалар яратган улуг алломалар хамда улар ёзган рисолалар номи билан танишдик. Бу рисолаларда мусиканинг товуш тузилиши, ритми, чолгу созлари тузилиши, ижро услуби, тарихи, машхур созанда ва хофизлар, макомлар, уларнинг тузилиши янги маком яратиш устида ишлаш йул-йуриклари, мусикий тараккиётлари яхшиланган ва яхшиланаётган бошка мамлакатлар каби масалалар ёритилар эди.

## 15. Илмий рисолаларнинг тузулиши.

Режа.

1 курс мусика.

1. Илмий-мусикий рисолаларда мусиканинг назарий тахлили асослари.
2. Илмий-мусикий рисолаларда берилган мусиканинг назарий асослари хозирги нота системасига мос тушиши тахлили.

Юкоридаги маърузаларимизда мусиканинг назарий йуналиши устида илмий изланишлар олиб борган Абк Наср ал- фаробий. Абу Али ибн Сино, Сафиуддин Урмавий, Абдурахмон Жомий, Ибн Зайли, Абдулкодир Марогий, Ал-Хусайний, Кутбиддин аш-Шерозий, Нажмиддин кавкабий, Дарвншали Чангий ва бошка катор муаллимларнинг ёзган илмий-газарий рисолаларида мусика маданиятининг кайси жабхаларига купрок ахамият берилганлиги, бу муаллифлар яшаган даврдаги тарихий шарт-шароитлар тугрисида фикр юритилди.

Бундан шундай хулосага келиш мумкинки, у уйгониш давридан то хонликлар давригача яшаб ижод килган алломаларнинг мусика тугрисида яратган илмий рисолалари бизга маълум. Ундан олдинги яшаб ижод этган олимларнинг мусика тугрисида ёзиб колдирган рисолалари ва хатто узларининг номлари хам бизгача етиб келмаган. Уларнинг хакикатдан мавжуд булганлиги ва мусиканинг назарий томони устида бош котирганлигини биз Фаробийнинг асарларидан бибиб олишимиз мумкин.

Умуман алломалар илмий- мусикий рисолаларини тахлил килганимизда улардан мусиканинг назарий тамойиллари. Чолгу созлари тузулиши. Пардалари, мохир ижрочилари тугрисида жуда кимматли маълумотларни олишимиз мумкин. Бугунги мавзумизда рисолаларда мусиканинг назарий кирралари кай даражада акс этганлигини куриб чикамиз.

Ун икки маком жамъ ( товушкатор)лар гурухидан ажралиб чиккан маълум лад уюшмаларидир.Маълумки. жамълар жинслардан хосил булади. XV аср мусика назариясига багишланган рисолаларда жинслар икки гурухга булиб тушунтирилади.

Биринчи гурухга кварта диапозонидаги турт погонали товушкатор (тетрахорд)лар, иккинчи гурухга эса, квинта диопозонидаги беш погонали товушкатор (пентахора)лар киради.

Баъзан жинслар биринчи гурухда беш погонали иккинчи гурухда эса олти погонали товушкатор (гексорд)лар булиб хам келади. Жинслар ва Жамълар нота системасидаги текис ( темперацияланган) диатоник товушкаторлардан фарк килади. Юкорида айтилганидек, уларда бутун ёки ярим тондан бир оз кичикрок интерваллар хам учрайди.

Юкорида айтиган рисолаларда биринчи гурухга кирадиган жинсларнинг етти тури, иккинчи гурухга кирадиган жинсларнинг эса ун уч тури келтирилган.

Жинсларнинг бу икки гурухи урта аср мусикасининг лад уюшмаларини ташкил этувчи таркибий кисмлардир.

Шунинг учун уларни «табакалар» (яъни ладнинг ташкил этувчи кисмлари) деб хам айтилади. Биринчи гурухга кирган жинсларнинг етти навъи жамъларнинг пастки кисмини (паст товуш берадиган регистр), иккинчи гурухга кирган жинсларнинг ун уч навъи эса уларнинг юкори кисми (регистр)ни ташкил этади. Бунда биринчи гурухга кирган жинсларнинг хар бир новъини иккинчи гурухдаги жинсларининг хамма ун уч новъи билан бирма-бир кушиш натижасида жамъларнинг туксон бир тури хосил килинади. (7х13к91), яън, биринчи гурух жинсларининг биринчи навъи А+Д+З+х (1к1+0,5) иккинчи гурухдаги жинсларнинг унуч навининг хар бири билан алохида-алохида кушиб чикилади. Биз бу ерда юкоридаги биринчи гурух жинсларининг биринчи навини иккинчи гурухдаги жинсларнинг дастлабки уч нави билан кушилишидан хосил буладиган жамъларнигина келтирамиз ва хозирги нота системасидаги ифодасини курсатиб утамиз.

Изох:

Куйидаги берилаётган изох манбаларда кандай берилган булса. Шундайлигича, харфлар билан, уд сози пардаларида кулланилган, шаклда олиниб, крил алифосида берилаяпти. Пардалар орасидаги интерваллар центи эса т (таниний) –204, Ж (мутанаб)-180, Б (бакия)-90 га тенг. (Т,Ж,Б харфлари манбаларда кабул этилган интерваллар ифодасидир.

Биринчи гурухга кирган жинсларI

Жинсларнинг уд пардаларидаги пагоналари.

1. А+Д+З+Х
2. А+Д+Х++
3. А+Б+Х+Х
4. А+Д+В+Х
5. А+Ж+Х+Х
6. А+Ж+В+Х
7. А+Ж+Х+З+Х

Пардалар оралиги (интерваллар) ва центлар.

Т+Т+БкО-204-408-498.
Т+б+тко-204-294-498.
Бкт+тко-90к294к498.
Т+ж+жко-204-384-498.
Ж+ж+тко-180-294-498.
Ж+т+жко-180-384-498.
Ж+ж+ж+бко-180-294-408-498.

Иккинчи гурухга кирадиган жинслар:

Жинсларнинг пагоналари.

| | | |
|---|---|---|
| 1. | х+Иа+Ид+Их+Их | т+т+б+тк498-702-906-996-1200 |
| 2. | х+Йа+Йа+Йб+Йх+Йх | т+БкТ+Тк498-702-792-996-1200 |
| 3. | х+т+ЙбкЙх+Йх | Б+т+Т+Т-498-588-792-996-1200 |
| 4. | х+Йа+Йж+Йх+Йх | т+ж+ж+тк498-702-882-996-1200 |
| 5. | х+Й+Йб+Йх+Йх | ж+ж+т+тк498-678-792-996-1200 |

6. х+ЙкЙж+Йх+Йх ж+т+ж+тк498-678-792-996-1200
7. х+й+ЙбкЙд+ЙхкЙх ж+ж+ж+б+тк498-678-792-906-996-1200
8. ХкЙа+Аж+Их+Из+их т+ж+ж+ж+бк 498+702+882к996+1176-1200
9. Х+И+Иж+Их+Из+Их ж+т+ж+ж+Бк498+678+882к996+1176+1200
10. х+Й+Йа+Йдкив+Их

Шундай тартибда биринчи гурухдаги жинсларнинг хар бир новъи товушкаторларнинг иккинчи гурухини ташкил этган жинсларнинг хамма ун уч новьи билан бирма бир кушиб чикилса, жамъларнинг туксон бир тури- товушкаторларга хосил булади.

Жамьлар «доиралар»номи билан хам машхур булган. Уларнинг погоналарини ифодаловчи белги (харфлар) доира шаклидаги чизик атрофига маълум тартибда жойлаштирилади. Жамъларнинг охирги погонасидаги товуш у-нинг биринчи товушини янги юкори боскичда такрорлайди ва улар бир хил товуш, деб каралади. Шунинг учун Шарк мусика рисолаларида хар бир жамь товушларини доира чизиги атрофида чексиз такрорлаш мумкин, деб курсатилади.

Мусика рисолаларида келтирилган жинс ва жамълар Урта Осиё халклари мусика амалиётида хам жуда катта ахамиятга эга. Жинслар жамъларни ташкил этувчи кисмлар булиб, хизмат киладиган булса, жамълар эса урта аср мусикасининг лад асосларини ташкил этувчи товушкаторларни хам узида мужассамлаштирган.

Жамъларнинг туксон бир тури таркибида урта аср натурал ладлари товушкаторларига мос келувчи жамълар хам борки, улар хозирда дорий, фригий, иколидий, эолий ва гипофригий номлари билан машхурдир. Бу жамълар орасида Урта Осиё халклари мусикаси лад асосини ташкил этадиган ладларнинг бошка мавжуд ва минор турларини хам учратиш мумкин. Демак, жамъ маком тушунчасидан хам кенгрок булган.

Изох: натурал ладлар хозирги замон элементар мусика назариясига багишланган китобларда кургазмали килиб тасвирланган. Товушлар I актава До нотасидан II актаваси нотасига олиниб. До дан бошлаб хар бир погона бир актава килиб ажратилади. Хар бир актава чегараси маълум натурал лад хисобланиб. Нота погоналарида альтерация (диёз, бемол) белгилари ишлатилмайди.

Натурал ладлар схемаси:

## Ф О Й Д А Л А Н И Л Г А Н  А Д А Б И Ё Т Л А Р Р У Й Х А Т И


1. Исхок. Ражабий « макомлар масаласига доир» Т.: Узб. Давлат бадиий адабиёт нашр. 1963 й.
2. Фитрат. «Узбек классик мусикаси ва унинг тарихи» .Т.: «Фан» нашр. 1993 йи.
3. А.Одилов. «Узбек халк чалгуларида ижрочилик тарихи». Т.: «Укитувчи»» нашр. 1995 йил.
4. У. Хамидов. «узбек анъанавий кушикчилик маданият тарихи». Т.: «Укитувчи» нашр. 1996 йил.


## ТАКРОРЛАШ УЧУН БЕРИЛАДИГАН САВОЛЛАР.

1. Кайси алломалар мусика тугрисида илмий рисолалар ёзган?
2. Мусика билан математиканинг  кандай боглик томони бор:
3. Жамълар тугрисида нимани биласиз?
4. Жинсларнинг кандай гурухлари мавжуд?

## 16. Буюк муутафаккир олим Абу Наср ал-Фаробийнинг илмий мусиқий карашлари. (817-950)

IX асрнинг иккинчи ярмида Мавоароуннахр ва Хуросонда араб мустамлакачиларига карши халк озодлик курашининг авж олиши, жойларда бўлиб, ўтган кўзголонлар Араб халифалиги хукмронлигини агдариб, ўрнига махаллий (аввал Тохирийлар, сўнгра эса Самонийлар) хукмронликка ўтилди. Бу даврда фан, маданият ва санъатнинг ривожланишига бир катор олимлар худди шу даврларда ўрта асր фани тарихида ўзларининг илмий асарлари билан жахонга машхур булдилар. Улар ал-Фаробий, ибн Сино, ал-Хоразмий, ал- Фаргоний, ал-Матрудий ва бошкалар эдилар. Улар бошка фанлар катори мусиканинг назарий жихатларига хам илмий ёндошиб. Куплаб илмий-назарий асарлар яратдилар. Шулардан бири буюк файласуф олим. Урта аср шарк мусика назариясининг асосчиларидан бири -Абу Наср Мухаммад ал-Фаробий 781 йилда Сирдарё ёкасидаги Фароб шахрида туркий кабилага оид оилада дунёга келди. У дастлабки маълумотни уз юртида олди. Уз юртида дурустгина билим эгаси булган Фаробий уз билимига коникмади ва яна урганиш максадида Самарканд, Бухоро, Марв, Богдод, Дамшик шахарларига сунгра эса Мисрга борди. У ердаги илм ахиллари билан танишиб, уз билимини бойитади.

Абу Наср ал- Фаробий фалсафа, мантик, риёзиёт ва бошка фанлар буйича йирик олим даражасига етиб, Шаркда «Иккинчи муаллим» деган номга сазовор булган.

Таникли олим М. Хайруллаевнинг фикрича мусикашунослик ўша даврларда риёзиёт ( математика) илмининг бир кисми хисобланган бўлиб, етук олимлар мусиканинг назарий томони хам тахлил килишга интилганлар. Фаробий хам етук олим сифатида ушбу ишга кўл урган олимлардан биридир. (Риёзиёт илми: хисобот (арифметика), хондаса (геометрия). Фалаккиёт (астраномия) ва илм мусикий ( мусика назарияси)дан иборат эди).

Хозирги кунда айрим тадкикотчилар Ўрта осиёда мусика санъатининг назарий асослари айнан IX асрдан буён яратила бошлаган, унгача мавжуд бўлган асарлар эса, бундай методологик хукукка давогарлик килаолмайди, деган фикрни илгари сурадилар. Лекин Фаробийнинг таъкидлашича. Бизнинг худудимизда мусикашунослик илми унгача хам мавжуд бўлган. Бирок бу илмдаги айрим ноаникликлар, унинг назарий масалаларидаги номукаммалликлар алломани яна, бир бор асосли тарзда кўтариб чикишга ундаганлигини таъкидлайди.(1 )

«Мусика хунарини ўтмишдошлар тушунганидек килиб тушунмакка майл килибсан ва мендан ўзинг учун тйушунарли ва фахмлашга куўлай бир канча ёзиб беришимни истабсан. Лекин, мен бу масалани охиригача етказишни бир оз кийинрокка суришни лозим кўрдим. Чунки, ўтмишдошлар ва уларга эришганлар, шунингдек, уларга асрдош бўлганларнинг мусика хакида колдириб кетган асарларини диккат билан мутолаа килмокчи ва сенинг мусика хакида яна китоб ёзиб ўтириш бехуда, ўтганларнинг фикр мулохазаларини такрорлаб бориш нодонлик ва ёмон ният далилидир»

Фаробий уз асарида мусикий илмининг айрим масалаларида катор чалкашликлар мавжудлигини ва шунинг учун хам улар хусусида узининг фикрларини баён этиш максадини ўз олдига куйиганлигини айтади,-«Мусика хакида ёзилган китобларни ўкиганимда, мусика санъатининг баъзи кимсмлари четда колдирилганлигини мулохаза этдим ва мусика хакида ёзган кишиларнинг айтганлари айникса назарий масалаларда бир-бирига богланмаган ва изохли мухтождир»-дейди.

Бундай камчиликларни ўтмишдошларга нисбатан айтиш, улар хакида «ноуддабуро» деган тасаввурда булиш хам хато бўлур эди.

Маълумки, бундай тадкикотчилар куў, уларнинг хаммаси назарий билим ва истеъдод сохиблари бўлиб, мусика илмини олга силжитишдан бошка ниятлари бўлмаган бу санъаткорлар бир-бирининг кетидан уўтмишдошларининг фикр—мулохазалари билан танишиб, ўз навбатида, уларнинг фикрига фикр кўшганлар, лекин, уларнинг мусика хакида ёзган асарлари унутилиб, эсда коладиганлари хам араб тилига ёмон таржима

килинган. Фаробий буларни юкорида кайд этилган асарларидаги нуксоннинг бирдан бир далили деб хисоблайди.

Айни пайтда у назарий билимлардан хабардор бўлган санъаткор кайси билим сохиби бўлмасин, кўйидаги уч хислатга эга бўлиши лозимлигини таъкидлайди:

1. Хар бир билимнинг усул ва коидаларини тўла эгаллаган бўлиши.
2. Шу билимнинг турли холатларда хосил бўладиган усул ва коидалари натижаларини шархлай ва изохлай билиш.
3. Мусика хакида нотугри тушунчага эга бўлган ёзувчиларнинг нотугри карашларини танкид кила билиш, хато ва тугри назариялар ўртасидаги фаркни кўрсата оладиган ва хатоларни ойдинлаштирадиган бвўлиш.

## 17. Буюк аллома Абу Али ибн Синонинг илмий мусикий карашлари. (980-1037)

Ўлкамизда мусика илмининг шаклланиши ва ривожланиши Абу Али ибн –Сино номи билан хам бевосита богликдир. У милоднинг 980 йилда Бухоро шахрига якин Афшона кишлогида дунёга келди. Буюк файласуф, табиатшунос, табобат илмининг султони Абу Али ибн Сино шу билан бирга шоир ва мусика назариётчиси эди. Унинг «Китоб аш-шифо» номли асарида мусикага оид махсус бўлим бор. Аллома бундан ташкари махсус «Рисолаи фил-мусика» рисоласини хам ёзган.

Айрим маълумотларга кўра олим «мусика санъатига кириш» мусика назариясига оил «Атрибутлар хакида китоб» каби асарларнинг хам муаллифидир. Лекин сўнгги уч китоб бизгача етиб келмаган. Олимнинг « Донишнома» (Билим китоби) ва бошка назарий жихатлари тўгрисида махсус бўлимлар бор.

Фаробий, Ибн Сино, Сафуддин Урмовийларнинг мусикага оид асарлари Р.Д.Эрланжнинг француз тилига таржима килинган «Араб мусикаси» китобидан ўрин олган.

Абу Али ибн –Сино мусика хакида махсус назариясига ёзиш билангина чекланмади, балки у мусика назариясига багишланган катта-катта асарларни (медицина) табобатга оид китобларига киритди. Албатта, бу тасодифий хол эмас. У ўз асарларида мусиканинг хиссий таъсир кучига муносиб бахо бергани холда, рухий касалликларни даволашда унинг катта ахамиятга эга эканлигини евўрсатиб ўтди. Хусусан олимнинг «Тиб конунлари» (конуний фит-тиб) китобида бир неча ўринда мусика асарларининг рухий касалларга «шифо дастури» сифатида тавсиф этилади ва унинг шу каби асарларида мусика назариясини шархлаб берадиган алохида бўлим ажратилган.

Абу Али ибн- Сино мусика хакида махсус асарлар ёзиш билангина чегараланмади, балки у мусика назариясига багишланган катта-катта асарларини табобаи тугрисидаги китобларига хам киритди. Бу эса тасодифий хол эмас эди. У ўзининг табобатга оид ўлмас асарларида мусиканинг хиссий таъсир кучига катта бахо бергани холда, рухий касалликларни даволашда уни юксак кадрлади. Унинг «Китабуш шифо», « Китабун нажат» ( нажот китоби) асарлари шулар жумласидандир. Манбаларда шарх этилган мусиканинг айрим назарий масалаларини таккослаб кўриш шуни исботлайдики, у ўзининг мусика хакидаги асарларида Абу Наср ал- Фаробийнинг мусикавий эстетик карашларини янада ривожлантирди ва уни юкори боскичга кўтарди.

Бундан ташкари ибн-Синонинг хам Фаробий каби мусика илмини математика бўлимига киритганлигини хамда композиция яратиш учун товушларни ўрганишга мухим ахамият берганлигини кўрамиз. Унинг фикрича, мусика гармонияга ва ритмикага бўлинади» (1).

Унинг «Мусика хакидаги билимлар тўплами» асари олимга жуда катта шухрат келтирди. Асарнинг хар бир бандида мусикашуносликнинг янгидан-янги масалалари кўтарилди ва хал этилади. (Асарнинг француз тилига таржимаси 142 бетни ташкил килади) У ўз асарларида мусика санъати назариясида мутлок хакикатни даъво килмагани холда, унинг муоммоларини обьектив хакикатга суяниб очишга харакат килади, бунда мусика асосларининг устивор тамоийлари бошка фанлар билан боглик эканлигига ишора

этади. Муаллиф мусиканинг мухим жихатларини ўрганиш учун физиканинг асосий конун-коидаларига амал килиш лозим, зеро, бу нарса тажриба ва амалиёт билан богликдир, деган фикрни билдиради.

Аллома товушлар табиатини ўргана туриб, уларнинг келиб чикиш механизмини очиб беришга харакат килади ва хар кандай товуш мусика санъати талаблари асосида намоён бўлишини уктиради. Товушнинг табиий хусусиятлари айни пайтда инсон фаолиятига хамохангдир, дейди олим.

Ибн Сино куннинг юзага келиш сабабларини илмий-назарий жихатдан асослаб берар экан, буъд (интервал)ларни ўрганади, уларни бир гурухга киритиб, ритмларнинг юзага келиши ва пировард натижада куй-кўшикнинг вужудга келиш эволюциясини тахлил этади. Унинг таъкидлашича, интервал бу-бирин кетин келадиган икки товуш охангининг бирлашувидир.

Фаробий ўзининг сермахсул ижоди давомида мусика илми билан жуда жиддий шугулланган. Унинг «Мусикага оид катта китоб»и эса бутун ўрта асрда маълум ва машхур бўлган. Ушбу китоб мусиканинг назарий асослари, куйлар, созлар, мусика маданияти тамоийлари, атамалари ва бошка мухим масалалар хакида жуда бой маълумотлар келтирилганлиги билан хам кимматлидир. Фаробийнинг бу асари француз ва форс тилларига таржима килиниб, 1968 йилда М. Хайруллаев тайёрлаган ва нашр эттирган «Фаробий ва унинг фалсафий рисолалари» номли асарида унинг дастлабки фасллари ўзбек тилида илова этилган ва шархланган.

Фаробий ўз даврида мавжуд бўлган барча чолгу созларида чала олган. Куйларни айникса най ва танбурда катта махорат билан ижро этган. Баъзи манбаларда курсатилишича, у конун чолгусини ихтиро этган, ўша даврларда мавжуд бўлган уз созини такомиллаштиришда катта ишлар олиб борган.

У ўзининг мусикага багишланган рисолаларида шарк мусика назариясини асослаб берди. Унинг «Китобул-мусикий ал- кабир» (мусикага доир катта китоб), «Киламу фил-мусикий» (мусиканинг услублари хакида), «Китабул-мусикий» ( Мусика китоби), «Китабун фи-ихсаъил-улум» (фанлар классификацияси хакида китоб)нинг мусикага оид кисми, «Китабун фи-ихсаъал-икаъ» (мусика ритмлари хакида китоб) асарлари илмий-мусикий рисолаларидир.

Ал-Фаробий ва ўша заминдаги бошка олимларнинг илмий-назарий асарлари замонаси талабларига кўра араб тилида ёзилган бўлиб, шарк мусикаси назариясининг туб масалаларини шархлаб беради. Унинг асарлари шаркда ёзилган илмий асарларнинг энг мукаммал ва машхурларидан бўлиб, ўзидан кейинги яшаб ,ижод этган мусика олимларининг илмий изланишларига ва илмий рисолалар яратилишига асос бўлди. Унинг йулини давом эттирганлар Абу Али ибн Сино. Ибн Зайли. Сафиуддин Урмовий, Махмуд аш-Шерозий, Абдукодир Марогий, Абдурахмон Жомий, Нажмиддин Кавкабий, Дарвешали Чангий ва бошкалар эди. У милоднинг 950 йилида вафот этган.

## 18. Уйгониш даври (IX-XII аср) Ўрта Осиё халклари миллий чалгу созлари.

Миллий чолгушунослик илмининг дастлаб Ўрта Осиёда. Хусусан Ўзбекистонда пайдо бўлганлиги исбот талаб килмайдиган хакикатидир. Зеро, биздаги мусика чалгу созларининг турли-туманлиги, кўшикчилик сохасидаги оранг-баранглик, ашула ва ракс ансамбилининг кўхнга тарихи ва анъаналари буларнинг барчаси ўлкамиз мусика санъати назарияси ва амалиёти Юнонистон ва айникса Ўрат аср Европадагидан кадимийрок эканлигига ишорадир.

Ўрта Осиё минтакаси, хусусан Ўзбекистон худудидаги кўплаб шахарлар тарихи, улардаги жўшкин ижтимоий-маданий хаёт хакикатан хам уларнинг жахон мусикас санъатидаги мухим марказлардан бири эканлигини исботлаб турибди. Масалан: Сосонийлар даврида бухородаги саройларда профессионал мусикачиларнинг катта гурухлари фаолият кўрсатган. Шунигнгдек Хива, Марв, Самарканд ва Утрорда хам. Бу

гурух аъзолари ўз санъатининг мохир усталари булиб, бутун бир мусикий мактабларни яратишган.

Ўрта асрларда шоирларнинг лирик
газаллари куйга солиниб айтилган, тантанавор чалгу куйлари басталанган. Ўша даврларда санъаткорларга кўрсатилган хизматлари учун ва ижрочиликдаги юксак махоратлари учун турли унвонлар хам берилган. Масалан: X-XI асрларда Хоразмшох саройида яшаб ижод этган ва Хуросоннинг кадимги куй ва кўшикларини зўр махорат билан ижро этган созанда ва хонандаларга « Мутриби Маворауннахр» унвонлари хам берилганлиги маълум. Бундай унвонга сазовор бўлган лардан бири Бухоролик Абубакр Рубобий эди.

IX аср охири X аср бошларида яшаб ижод этган бу хонанда ва созанда биргина барабат созида мохирона ижро этиш билан чегараланмай, бухорода мусика мактаби очди, мусикий таълим борасида кўлланмалар ёзди. Айрим маълумотларга кўра форс-тожик шоири ва мусикачиси мавлона Рудакий хам шу мактабда тахсил олган. Хофиз Алиберган Танбурий эса достон ва касидалар ижрочиси сифатида шухрат козонди.

Махмуд кошгорий ва Юсуф Хос Хожиб асарларида келтирилишича маълумотларга караганда ўша даврда халк орасида кўшикчилик кенг таркалган бўлиб, Руд, барбюат, танбур, зир, чагона, шайнур, аргунчун, конун каби хилма-хил счалгу созлари бор эди.

Ауни пайтда янги чалгу созлари хам вужудга кела бошлади. Чунончи, Абу Хифз Сугдий намга монанд. «Шохруд» номли торли чалгу builder сози яратилган эди. Фаробий конун созини яратилганлиги тўгрисида маълумотлар бор. Бундан ташкари манбаларда Абу Бакр Рубобий, Бунаср. Муамир, чангчи луўкарий каби созанда ва хофизларнинг номлари сакланиб колган. Рудакий руд ва танбурни яхши чаладиган созанда ва хушовоз хофиз эди. У машхур «Бўйи жўйи Мўлиён» шеърини ушшок куйида айтиб, нихоятда шухрат козонган эди. Унинг замондоши Абу Тайиб Тохир «Хусравоний» куйини ижод килган.

Буюк аллома Абу Али ибн Сино ўз асарларида чалгу созларини торли, пуфлама ва зарбли турларга ( зўбузни хам, гижжакни хам торли созлар гурухига киритган0 бўлади. Кейинчалик Европа мусикашунослари хам мазкур коидага амал киладилар. Фикримизча Ўрта Осиёда пайдо бўлган кўплаб чалгу мусикаси хусусиятларига мослаштирилган. Бу эса кўпрок торли ва пуфлама чалгу созларига хосдир.

Ибн Сино замонида айникса уд жуда кадрли мксика сози бўлган ва буни рассомлар, шоирлар ўз асарларида эътироф этишган. Юртимиздаги уд чалггу сози араблардан олдин хам маълум ва машхур эди. Араблар истилоси даврида эса дунёнинг жуда кўп мамлакатларида машхур бўлди. У араблар оркали Испанияга (чунки Испанияни хам араблар босиб олган) Испания оркали Европа мамлакатларига ёйилди. Кейинчалик Европаликлар унга ўзгаришлар киритиб люитня деб атай бошладилар.

Фаробий ва Ибн Сино асарлари Шаркда мусикашунослик илмининг мухим таркибий кисми сифатида мусикий чалгушунослик фанига асос солганлигини ва айни пайтда бу фан Европада анча кеч пайдо бўўлганлигини таъкидлаш жоиздир.

## 19. Урта Осиё халкларининг бошка Шарк мамлакатлари халклари билан маданий алокалари.

Урта Осиё гографик жихатдан Осиё китъасининг маркази ва кулай жойда булганлиги сабабли бу халкларнинг бошка шарк мамлакатлари, хатто гарб мамлакатлари билан булган алокаси хам жуда кадимийдир. Бу юрт худудидан утган «Буюк ипак йули»нинг тарихини урганиш бизнинг юкоридаги хулосага келишимизга сабаб булмокда. Урта Осиё халклари мусика санъатининг, кушикчилик ва чалгу созларининг бошка шарк мамлакатлари халклари мусика санъатига жуда ухшаш ва якин булганлиги бу халклар уртасидаги маданий алокалар илдизи жуда чукур ва кадимий эканлигидан далолат бермокда. Буни айникса Эрон, Афгонистон, Хиндистон, Покистон, Бангладеж,Араб мамлакатлари ва Хитойда хамда Хинди-Хитой ярим оролида яшовчи халклар мусика маданиятини урганиш оркали билиб олмокдамиз. Биз санаб утган мамлакатлардан ташкари Сибир, Мугулистон, Корея, Япония, Филиппин, Индонезия халклари мусика

маданияти хам Урта Осиё халклари мусика санъаьти каби якка овозлик ва ансамбл шаклида эканлиги фикримиз далилидир. Бу мамлакатлар чалгу созлари тузилиши ва ижро этиш услублари Урта Осиё чалгу созларидан деярли фарк килмайди. Кушикчилик санъати ва ундаги охандорлик овоз ишлатиш махорати, лад тузилиши, ифода хусусиятлари хам бир-бирига жуда ухшашдир. Бу эса ё кадимги одамлар бир жойда яшаб кейинчалик таркалиб кетганлигидан (Диний китобларда инсонларнинг одам ато ва момо хаводан таркалганлиги тугрисида маълумот берилади, ёки Нух пайгамбар киссасини эсланг) ёки бу мамлакатлар уртасида жуда кадимдан буён маданий алокалар мустахкам булганлигидан далолат беради. Бу алокаларда савдо карвонларининг дарвешлар ва каландарларнинг халк уйинлари усталари; дорбозлар, масхарабозлар, кугирчокбозлар, хофизлар ва бошка санъат ахилларининг у мамлакатдан бу мамлакатга бемалол утиб уз санъатларини намойиш килишлари, халк йигинлари, сайллар ва байрам тадбирларда иштирок этиб, санъатларини номойиш килишларининг роли катта булган.

Санъат хамма вакт халкчил булиб, у кайси тилда куйланишидан катъий назар юракдан чикса, юракка етиб боради. Маълумки, жуда кадимги даврларда яшаган халклар (у хох гарб, хох гшарк булсин) Маданияти ва санъатининг бир-биридан кескин фарк килувчи турлари ва шаклларини куриш кийин. Кейинчалик миллатларнинг , тилларнинг ва адабиётнинг шаклланиб, тараккий этиши натижасида санъат хам узида миллийлик хусусиятини касб этади. Бунинг боиси эса турли халклар ижтимоий хаётдаги, шахсий турмушдаги психологик холатлар ва рухий кечинмаларнинг уша халкка, уша миллатга хос равишда содир булганлигидир.

Санъатдаги махаллийлик ва миллийлик кабилар, халклар хаёти, маиший турмуш тарзи, фаровон истикбол учун кураши, мураккаб ижтимоий зиддиятларни хал этиши билан алохида уша халкники булиб ажралиб туради.

Урта Осиё халклари мусика ва кушикчилик санъатидаги алохида бошка халклар мусика ва кушикчилдик санъатидан миллий кушикчилигимиз, шеърият ва ракс санъати билан чамбарчас богланган холда эканлиги билаг фаркланиб туради.

Бундан шундай хулосага келиш мумкинки, мусика, кушикчилик санъати ва ракс мустакил равишда ва бошка санъат турлариданг алохида тарзда пайдо булмай, балки аксинча маданият ва санъатнинг бошка турлари билан узвий боглик холда кадр топган.

Шу уринда Шарк мамалкатлари халкларга хос булган Навруз ва Мехржон байрамлари хакида хам айтиб утиш жоиздир. Нгавруз бахори кун ва туннинг тенглашиши булса, Мехржон куздаги кун ва туннинг тенглашиши, яъни 22 сентябрда байрам килинади. Бу байрамлар шарк халклари орасида маданий алокалар кадимдан мавжуд ва доимий эканлигидан далолат беради.

## 20. Амур Темур ва темурийлар даври Урта Осиё халклари мусика маданияти. (XIУ аср иккинчи ярми XУI аср биринчи ярими)

Узок давом этган (XIII аср бошидан XIУ аср иккинчи яримигача) мугул истибдодидан халкимиз жуда хам кийналган эди. Жойларда мугулларга карши норозилик харакатлари кучая борди.

Амир Темур ва Темурийларнинг даврини мубологасиз нафакат узбек халкининг , булки бутун якин ва Урта Шарк халкларининг мусика санъатлари учун жадал ривожланиш, камолат чуккисига эришиш, чианакам уйгониш даври булган дейиш мумкин. Зеро, бу халклар ягона давлатни ташкил этиб, узаро самарали маданий алокалар йургатибгина колмай, айни вактда Осий ва Европанинг энг йирик мамлакатлари билан хам маънавий богланиш имкониятларига эга булганлар.

Темурийлар сулоласи урта Осиё ва Урта шаркда нисбатан кам (150-160 йил атрофида) хукмронлик килсада аслида у 500 йилдан ортикрок давр (Бобурийлар сулоласи) давом этди. Бу даврда хонанда ва созандалар хамда бошка санъат маданият ахиллари Урта Осиё, хусуан Самаркандда тупландилар. Улар расмий дипломатик, харбий ва бошка тантаналарнинг доимий катнашчиларига айланиб, халк томошалари, оммавий байрамлар уларсиз утмас эди. Бу эса, уз навбатида, мусиканинг бошка санъатлар каторидан мухим

урин эгаллашни таъминладилар. Манбаларда келтирилишича, бу даврда узбек халки мусика санъати каторида харбий-расмий мусика турлари.мумтоз маком санъати, минтаканинг бошка турки й хамда азарбойжон, форсий забон халкларининг мусикавий фольклари ривож топди. Энг мухими, мусикий чалгулар жасорати ва мардлик тимсолига айланди. «Амр клилдимки, -дейилади Темур тузукларида,-кайси бир амир бирор мамлакатни фатх этса, ёки ганим лашкарини енги, уни уч нарса билан мумтоз килсунлар: (биринчиси) фахрли хитб, туг ва нагора бериб, уни баходир деб атасинлар».

Мазкур манбанинг яна бир булими, Темурнинг халк чалгу созларига булган муносабатини айникса яккол намоён килади: Амр килдимки, ун икки катта амрларнинг хар бирига битта байрок (алам) ва бир ногора берилсин. Амр – ул умарога байрок ва ногора. Туман туги ва чортуг такдим этилсин. Мингбошига эса бир туг ва карнай (нафир) берилсинлар. Юзбоши ва унбошига биттадан катта нагора (табл) берсинлар. Аймокларнинг амирларига булса, биттадан бургу такдим этсинлар. Турт бегларбегининг хар бирига биттадан байрок, нагора. Чортуг ва бургу берсинлар» (1)

Темур даври эса маънавий кутаринкилик мусика санъатининг деярли барча жабхалари учун кенг имконият тугдириб берди; Созандалик ва хонандалик, мусика таълими, бастакорлик ижоди, мусика илми камол топди. Асрлар каърида шаклланган анъанавий, «устоз-шогирд» таълим тизими кенг кулоч ёзди. Бу уйгониш нафакат пойтахт Самаркандда, балк унинг авлодлари даврида Бухоро, хива ва Китоб, Балк, Кабул, Хирот, Астрабод, Агра, Султония каби йирик шахарларда хам кихгин кечди. Урта асрлар анъанаси шахарларда махаллалар асосан касб-кор буйича жойлашар эди. (кулоллар махалласи, боззозлар махалласи, дегрез махалласи…. ва хакозо) шунга биноан «хонандалар мавзуси», «созандалар махалласи», «бастакорлар кучаси жорий этилди. Бу касб сохибларининг алохида обру ва нуфузга созовар булганлари атрофида, махсус ижод, ижро ва илмий мавкега эга ижодий мактаблар шаклланди.

Мусика устозини хаммадан устун куйиб, «Устозлар устози» деб улуглаган Алишер Навоий (узи хам мусикий илмга эга булиб, бу борада муайян асарлар яратгани маълум) узининг «Сабъаий-Сайёр» достонида куйидагиларни таъкидлайди:

Санъатим анда соз чалмок иши
Билмайин мен киби ишимни киши.
Илми адвору фанни мусикий
Мендин ул илм ахли тахкикиий
Элга таълим этмок вирдим
Кимки устоди кавм шогирдим.

Алишер Навоийнинг мусика ижодиётига бевосита алокадорлигини Бобур хам эътироф этган. Навоий накшлар (ашула-чалгу асарлари) хамда пешволар (салгу асарлари) муаллифи булганлиги «Бобурнома»да келтирилган. Колаверса мусикашунос Дарвешали Чангий (ХУI-ХУII аср) уша даврларда оммалагнае 24 усулдан бир канчасини Улугбек, 12 тасини Хусайн Байкаро, 7 тасини Алишер Навоий каламига мансуб эканлигини уз асарларида айтиб утган.

Темурийлар даврида яшаб ижод килган Абдулкодир Маргонийнинг мусика назариясига оид «Гина ва алхон», Макосид ал-алхон», «Жавомеъ ал-алхон», «Канз ал-алхон», шарх ал-адвор» ва бошка тадкикотлари маълум ва машхур.

Марогий усул, куй, чалгучилик муоммоларини асосли ва хар томонлама тадкик этган. Унинг асарлари XIII-ХУ аср мусика ижодиёти, мусика атамалари хусусида бой маълумот беради.

Темурийлар даврида яшаган йирик шоир ва мусикашунос Абдурахмон Жомий (141401492) А Навоийнинг устози булиб. Шоирликдан ташкари мусикашунос эди. Унинг «Рисолаи мусикий» асари машхур булиб, бу асарда Жомий мусика назариясини икки йуналишда урганиш, яъни «илми-таълиф 9товушлар баландлиги ва чузиши) ва « илми икоъ» ( ритм метр, улчов0 йуналишларида урганиш лозимлигини уктириб утган.

Хуллас Темурийлар даври Урта Осиё, Хурот ва якин шаркда ривожланиш, усиш, тикланиш даври булиб тарихда колди.

## 21.А. Жомий илмий мусиқий дунёкараши

Жомий (тахаллуси; асл исм-шарифи Нуриддин Абдурахмон ибн ахмад) (1414.7.11. Жом-1492.8.11.Хирот)-форс-тожик шоири. Накшбандийлик тарикатининг йирик вакили. Жомийнинг ота-боболари асли даштдан булиб, Жомда, кейинчалик Хиротда хаёт кечирган. Жомий мадраса ёшидан анча эрта Хиротдаги «Дилкаш», (Навоий маълумотига кура. «Низомия») мадрасасига кириб уз даврининг таникли тил, адабиёт олимлари ва мударрислари кулида тахсил олган. Шу даврдаёк у араб тилини мукаммал ургана бошлаган. Кейинчалик Жомий уз билимини ошириш учун Сама
ркандга келади ва Улугбек мадрасасида буюк фалакиётшунос Козизода Румий, Али Кушчи, фикхшунос Фазлуллох Абдулайс кабилардан таълим олади. Бу йилларда у тил ва адабиётнигина эмас, ризиёт, фалакиёт, фалсафа, хукукшунослик фанлари, дин асослари. Хадис ва тафтир илмларини хам чукур урганади, олимларнинг турли мавзуларидаги мунозара ва мубохасаларида катнашиб, етук олимлиги билан танила бошлайди. Жомий Хиротга кайтгач, тассаввуф йулига киришни, уз билим ва фаолиятини шу йулга, колаверса, ижодга, илм-фанга багишлашни афзал куради

Жомий мусика сохасида хам катта обруга эга булиб, «Накши Мулла» (Накши имоми»)асари муаллифидир. Шарк мусика илми тарихида Жомийнинг «Рисолаи мусика»си хам алохида урин тутади. Рисола кириш. Икки йирик кисм- «илми таълим» ва «илми айкоь» хамда хотимадан ташкил топган булиб, улар уз ичига 23 фаслни камраб олган. Жомий узининг мусикий назарий ва мусикий эстетик карашларида Абу носир Фаробий, Абу Кли ибн Сино, Сафиуддин Урмавий ва Абдулкодир Марогийларнинг мумтоз анъаналарини давом эттирган.

Асосий дакикани уша давр амалиёти билан боглик булган парда (лад) тизимлари (жинс. Жам. «Ун икки маком», шуъба ва хо.) хамда усул (ритм) масалаларига каратган. Жомийнинг мусикавий тафаккури адабий-бадиий ижодида хам уз ифодасинитопган.

Асарлари узбек тилига таржима килиниб, бир неча марта нашр этилган. «Кофия шархи рисоласи», «Шархи Мулло» (ёки «Мулло Жомий») Марказий Осиё ва Идил (Волга) буйи татарлари мадрасалари да араб тили грамматикасидан дарслик сифатида укитилган.

Узбекистон. Тожикистоннинг бир канча жамоа хужаликлари. Кучалари мактаблар Жомий номи билан аталган. Самарканд шахрида Навоий билан Жомий хайкали урнатилган.

## 22. Маком. Шошмаком ва маком ансамбили.

Режа.

1. Макомнинг келиб чикиши ва хозирги кундаги ривожи хакида.
2. Шошмакомни нотага олиниши.
3. Узбекистонда маком ансамбилининг тузилиши хакида.

1. Маком (турар жой- урин,парда)-муска чолгу асбобларида, парда ва товушлар урнини билдиради. Маком сузи турли маънода ишлатилган. Абу Носир Фаробий ва Абу Али ибн Синолардан бошлаб бутун Урта Осиё мусика назариячилари маком сузини аник бир лад маъносида ишлатганлар. Маком Шарк халклари уртасида кадим замонлардан мавжуд булган. Созанда хонандалар томонидан яратилган ва тобора тараккий топа бошлагн, мусика жанридир.

XIII-XVI асрларга келиб. Урта Осиё, Хуросон ва Озарбойжон халклари мусикасида ун икки маком мавжуд булган.

Булар-Раховий,Хусайний, Зангули, Рост,Ушок,Наво, Бустлик, Хижоз, Ирок Исфахон. Зирафканд ва Бузруклардир.

Хозирги кунда макомнинг куп асрлардан бери сакланиб келаётган ва хозир мавжуд булган мусика мероси асарларини билдиради.

Макомни халк мусикасининг бошка жанрларидан ажратадиган характерли белгилари, уларнинг хажми катталиги ва куп кисмлилигидадир. Узбекистон ва Тожикистонда узок асрлардан бизгача етиб келган олти маком булиб, шошмаком номи билан машхур булар, Бузрук, Рост. Наво, Дугох, Сегох, Ироклардир. Хар бир маком икки катта кисмга булинади

Биринчиси-факат чолгу асбобларида ижро этиладиган кисми булиб, буни мушкулот (Хоразмда чертим йули) дейилади. Иккинчиси-чолгу асбоблари журлигида айтиладиган ашула кисми. Бунда Наср (Хоразмда айтим йули) деб айтилади. Бу кисмларнинг хар бирида бир неча куй бор. Хар бир маком ашула билан ижро килинадиган ракс мусикаси-уфор билан тугалланади. Шошмаком куйларини ижро килганда, албатта доира учул бериб туриш шарт. Доирасиз маком ижро этилмайди

Шошмаком куйлари биринчи марта 1923 йил проф. В.А. Успенский томонидан Бухоронинг машхур созанда, хофизлари Ота Жалил ва ота Гиёслар ижросида нотага ёзиб олинган. Лекин Бухоро халк маорифи нозирлигининг курсатмаси буйича макомларни наср кисми ашула йулларининг сузлари ёзилмай колдирилган. Шунга карамай «шошмаком»нинг ноталари илк маротаба 1924 йили Москвада чоп килиган.

Макомчи.

Маком йулларини ижро килувчи ашулачи ва созандалар макомчи дейилади. Шошмаком куйларини ижро этиш анча кийин ва мураккаб. Бу йулларни тула узлаштириб олиш узок вакт кунт билан ишлаш талаб килинади. Узбекистонда халк орасида танилган атокли макомчилар- ота Жалол. Ота Гиёс, Хожи Абдулазиз, Юнус Ражабий. Фахриддин Содиков. Домла Халим Ибодов ва бошкалардир.

Маком ансамбили.

Маком йулларини ижро этувчи созанда ва хонандалар тудаси маком ансамбили деб аталади. Ансамбл макомнинг мушкули ва наср кисмларини ижро этувчи созанда ва хонандалардан ташкил топади. Илгарилари макомчилар ансамбили 2 та танбурчи, бир дуторчи, бир гижжакчи доира ва 2-3 ашулачилардан тузилган. 60-йиллардан бошлаб диёримизнинг турли вилоятларида тузила бошлаган. Маком ансамбилларида созанда ва хонандалар таркиби бирмунча кенгайтирилиб, хотин-кизлар хам жалб килина бошлади. Бундай маком ансамбили дастлаб академик Ю. Ражабий рахбарлигида 1959 йили Узбекистон телевидения ва радиоэшиттириш Давлат компанияси кошида тузилди. Ю.Ражабийнинг вафотидан кейин маком ансамбили устоз анъаналарини ривожлантириб келди. 1989 йилдан бошлаб унинг номи билан ривожланиб борди.

Вазифаси:

1. Маком неча кисмга булинади ва охири нима билан тугайди?
2. Шошмакомни биринчи ким нотага олди, кимлар ёрдами билан?
3. Маком ансамбилининг хозирги кундаги тутган урни хакида гапириб беринг?

Адабиётлар:

1. Илёс Акбаров. Мусика лугати. Г.Гулом нашриёти. Т.: 1997 й.
2. Р.т.Акбаров. Мусика сехрлари. Т.: 2000 й.

## 23. Хоразм макомларининг шаклланиши.

Режа.

1. Хоразм макомларининг куп асрлик мусикий бойлиги ва мероси.
2. XIX асрнинг иккинчи ярми XX аср бошларида ижод этган макомчилар.
3. Хоразм макомларининг бизгача сакланиб келинганлиги.
4. Хоразмда асосий музика асбоблари билан ижро этилиши.

Фойдаланилган адабиётлар.

1.Хоразм макомлари узбек музика маданиятининг машхур ёдгорликлари ва халкининг куп асрлик мусикий бойлиги ва мероси сингар куп оарлар олдин вужудга келан ва огиздан-огизга утиб, мукаммаллаштирилган ва тулдирилган холда бизгача етиб келган.

Хурматли устоз, Хоразм макомларининг асосий кисмларини бизгача саклаб келган машхур санъаткор ашулача, танбурчи, шоир Матпано ота Худойберганов Хоразмда музика санъати ижро топган, огзаки равишда устозлардан шогирдларга утиб келаётганини гапириб, у XIX асрнинг иккинчи яримида Хоразмда музика назариясини, Хоразм танбур нота чизигининг ихтирочиси, Мухаммадниёз Комил полвон мирзабошининг бу сохада килган катта хизматлари алохида тилга олган эди.

Хоразмнинг машхур сохандалари, гуяндалар асрлар давомида макомларга ижобий ёндашиб, янги-янги кисмлар боглаб. Уни бойитганлар.

Масалан, Мухаммадрахимхон (1864-1910) уз саройига адабиёт ва санъат арбобларини туплайдилар. Узи Феруз тахаллуси билан шеърлар ёзган. Хоразм макомларининг чолгу ва айрим кисмларига купгина музикалар басталади. «Рост» макомининг чолгу кисмидаги «Мухаммаси Феруз», «Наво» макомининг чолгу кисмидаги «Сакила Феруз» ёки «Сергох» макомининг чолгу кисмидаги «Чор усули», «Феруз I» ва «Феруз II» лар шулар жумласидандир.

Комил Хоразмийдан куплаб музикачилар, гуяндалар таълим олган, Маслан: Худойберган Мухркан, атёкуб позачи, Абдулла гулобий, Ёкуб доирачи, Аваз доирачи, Худойберган махсум, Бобожон буламончи, Собир махруи, Отажон сута. Матасан бобо, Мухаммадрасул Мирзо, Матёкуб Харратлар дутор, танбур, гижжак, буламон, сурнай, чанг, доира ва купгина музика асбобларини чалишни ва макомларни ижро этишни ундан урганганлар.

Макомлар ижросида етакчи музика асбоби танбур булгани учун Комил Хоразмий танбурнинг ун саккиз пардасига караб ун саккизта ёндош чизиклар чизади, куй нечанчи пардада уйналса, нохуннинг урилишига караб чизикларнинг устига ёки остига нукталар куяди. Чизик устидаги нукталар нохунни юкоридан пасттга караб урилишини билдирган. Агар нукта чизик остида булса, нохун пастдан юкорига караб урилган.

Комилнинг топшириги билан бу ишни угли ва шогирди, макомлар билимдони шоир Мухаммадрасул мирзабоши ва бошка шогирдлари давом эттириб, Комил вафотидан сунг уни охирига етказадилар: макомларни тула-тукис Хоразм танбур чизиги усулида когозга тушуриб, китоб килиб колдирадилар. Бу китоб котиблар томонидан куп нусхада кучирилади.

Хоразм макомларининг тексти, лирик шеърлардан иборат. Баъзи ижрочиларга бир куй учун икки, уч шеърдан фойдаланиш хам одат булган. Макомлар асосан Навоий. Фузулий. Машраб, Мунис. Огохий, Комил хоразмий, Феруз. Табибий, Баёний, Аваз Утар угли, Ниёзий, Надимий, Окил ва бошка шоирларнинг шеърлари билан ижро этилган.

Баъзи маком ижрочиларининг репертуарларидан форс-тожик шоирларининг шеърлари хам урин олган. Бу холни эшитувчилар даврасида такоза килган. Макомларнинг XIX асрда ижро этилган шеърларини тиклашга харакат килинди.

XIX асрда Хоразмда маком ишлари жуда хам ривож топган пайтда, макомларни купчилик билан ансамбль булиб ижро этганлар. Шунга карамасдан, илгари ёлгиз маком ижрочилари хам булган бунда ижро макомининг чертим, айтим ёки уфара кисмини узига мослаб, баъзи узгартишлар, кочиримлар киритиши, айникса айрим кисмларини уз овозига мослаши ёки юкори, овози билан етмайдиган авжларини тушуриб колдириб ижро этиш ёки овозига караб янги авжлар киритиши. Узининг ижрочилик услубидан келиб чикиб иш тутиши турган гап.

2.XIX асрнинг иккинчи ярми XX аср бошларида яшаган талантли макомчилардан машхур Матёкуб позачи макомларнинг куп булакларини якка ижро эта олган мохир ижрочи, хушовоз хонанда, уста танбурчи булган. Шунга карамасдан макомларнинг авжли булакларини узининг овозига караб мослаштирган, эшитувчиларнинг рухига караб узгартишлар. Кочиримлар киритиб, янги-янги авжлар билан айта олган. Бундай

ижрочиларнинг усулларини узгартириб укиши, янги шеърлар билан алмаштириши натижасида янги куйлар пайдо булиши табиий хол. Албатта. Улар халк куйларини бойитиб келганлар.

Макомларнинг купрок якка ижрочиларига эмас, хотин-киз овозларидан иборат булган ансамбль булиб ижрочиларга мослаб ёзилган. Чунки, бундай маком ансамбиллари республикамиз вилоятлари, туманларида куплаб ташкил этилмокда. Макомларнинг тулик айтиш учун мулжалланган ансамбилларга унгай булсин учун маком булакларини узининг хакикий ижро этиш пардаларида берилди. Гарчи булар нота ёзувида баландрок булса хам эркак ва хотин-киз ашулачиларидан тузилган ансамбиллар учун унгайлик тугдиради.

Хоразмда ашулачилар бирон музика асбобини: танбур, дутор, соз. тор, чалишни одат тусига кирган. Шулардан бирини чалиб ашула айтувчининг ёнида доирада жур булиб кушилиб айтишувчи шериги булган. Бундан ташкари сурнайчи, буламончи ва уйинчиси билан турт кишилик ансамль булиб юришган. Ансамбль аъзоларидан сурнайчи ашула пайтида буламон чалиб ашулачига жур булса, сурнай билан эса ашула бошланишидан олдин халкни йиккан ёки уйинчи уйнаганда ракс куйларига жур булган.

Макомчи музика ансамбиларига юкори авжларидаги охангларда ритмни ушлаш, макомнинг узига хос хусусиятларини ижро пайтида бера билиш учун доирачи жуда катта роль уйнайди. Доирачи жуда уста, факат доира усулини чалибгина колмасдан. Куйни хам яхши билувчи булиши керак. Чунки, чолгучилар билан ашулачиларни бирлаштирувчи доирачи асосий ролни, дирижёр вазифасини бажаради.

Баъзи маком парчалари халк орасида созандалар томонидан ижо этиб юрилиб, номлари хам узгариб кетган холда куп учрайди. Матпан отанинг маслахати ва купгна кекса санъаткорларнинг фикри билан бундай куйларнинг асл номларини тикланди ва уларга кайтадан тулдирилди. Масалан: «Рост» макомининг чолгу кисмидаги учинчи куйи халк созандалари орасида «Хуноб» номи билан машхур булиб келган. «Рост» макомининг асосий айтим кисмларидан хисобланган «Фарёди Насри Ушшок» куп йиллардан буён халк созандалари, хонандалари орасида гохо «Шитоб айлаб», гохида «Тун окшом» номи билан машхур булиб. Бошланиш кисмдан икки хона ва тамомланиш кисмидан кискартириб ижро этиб юритилган. Биз бундай куйларни асли номлари билан макомни уз урнига куйиб. Юкоридаги номлари келтирилган макомчи созанда. Хонанда, гуянда устозлар оркали кам жойларни тулдириб, тикладик.

3.Хоразм макомларининг энг куп кисмини бизгача саклаб келган бирдан-бир киши Матпано ота Худойбергановдир. Хоразмнинг бу кекса санъаткори, устоз макомчи Матпано ота Худойберганов атрофига Хоразм классик макомларининг куплаб кизикувчилари тупланиб, ундан макомларнинг чертим ва айтим кисмларини, усулларини ургана бошлайдилар. Булар орасида Хожихон Болтаев, Матниёз Юсупов, Назира Юсупова, Нурмат Болтаев, Комилжон Отаниёзовлар булган.

Устоз Матпан ота Хоразмда мусика жуда бой ва ранг-баранглигини, макомлар, суворолар, ферузлар, талкинлар, уфарилар, достонлар, йирик халк куйлари. Макомларни сурнайда чалинадиган хиллари, халфа куйлари (хотин-киз созандалар. Узига-узи гармонда жур булиб ашула айтадиганлар). Масхарабоз йуллари. Уйин куйлари, лапарлар борлигини айтиб. Бирини, бирига аралаштириб юбормаслик кераклигини, хар кайсисини уз урнида, суз усулида ижро этиш лозимлигини таъкидлар эди.

Макомларнинг тартибини тузишда Матпано ота Худойберганов берган маълумотларга асосланиб. Хоразм танбур чизиги ва Матюсуф Харрат ёзган «Хоразм мусика тарихига оид очерклар»китобига маком тузилиши тартибларига риоя килинади.

4.Хоразмда асосий мусика асбобларидан танбур булиб. Бундан ташкари доира (даф), най, чанг, гижжак, дутор, кугнай, буламон, сато, рубоб. Тор (хозирги торларга караганда анча бошкачарок булиб, дастаси узунрок, боши-кулоклари турадиган жой анча йугонрок) булган.

Макомга жур буладиган доиралар бошка доираларга нисбатан кичикрок, ихчамрок булган. Бу доирага копланган тери хам ёш бузок терисидан ишланган булиб. Силлик-юмшок товуш беради.

Гармон Хоразм маком музика ансамбли таркибига XIX асрда кушилган булиб, тана макомларининг иккинчи йтув кисмларини ижро этганда етакчи роль уйнаган.

Машхур гамончилардан Сафо Муганний (Сафо созчи), Мадрахим Шерозий (Мадрахим созчи), Хужа Отажонов (Хужа созчи). Жуманиёз Хайитбоев,(Жуманиёз созчи), Сорахон Оллаберганова, Пошшахон Матчонова, Анаш опа (Анаш чулок), Онабиби корилар халк орасида жуда машхур булганлар.

Кайрок купинча макомнинг уфари кисмларида кулланилган. Чунки, одатда бу кисм ракслар билан ижро этилган. Кайрок чалгучилар хар хил хажвий уйинларга уста кизикчи, масхарабоз хам булганлар.

Ногора хам макомларда керак пайтида? Катта сайилларда, байрамларда (Навруз, Гули сурх ва б.) ишлатилган.

Бундай байрамларда маком чолгу булакларидан айникса сакиллар купрок сурнайда, доирада, ногора ва карнайлар журлигида ижро этилган.

Сурнайчиларнинг асосий репертуари хам маком йулларидан ижро этганлар.

Ушбу нота ёзувларимиздаги макомларни урганилгандан сунг уни яна хам бойитиб, майда кочиримларини топиб ижро этилишини маслахат берамиз.

Макомларнинг баъзи булакларини ижрочи газал боглаб ижро этса, яна бир ижрочи мухаммас билан хам укиган. Ёки бир ижрочининг узи бир даврада шу газал билан укиса, иккинчи даврад мухаммас билан укиган.

Бухоро ва Хоразм макомларини эшитиб ва бир-бирларига солиштириб караганимизда бу макомларнинг хар кайсиси мустакил, бир-биридан чертим касмлари хам, айтим кисмлари хам тубдан фарк этишини курамиз. Хоразмда мкомларнинг тузилиши «рост» макомидан бошланса, бухорода «Бузрук» макомидан бошланади.

Хоразм «Рост» макомининг чолгу кисмида учта уфара учраса. Бухоро «Рост» макомининг биринчи айтим кисмидаги маком парчалари Бухоро «Рост» макоми айтим кисмларидан тузилиши жихатидан хам, характер жихатидан хам мутлок бир-биридан фарк килади.

Музикашунослар Илёс Акбаров, Ю.Конлар «Узбек халк мусикаси» 6-томига ёзилган сузбошисида шундай дейди:

«Бухоро ва Хоразм макомлари интонациясига келсак, шуни айтиб утмок керакки, факат айрим кисмларда улар уртасида мазмунан ухшашлик борлиги куринади. Масалан: Хоразм макоми «Рост» мухаммаси Бухоро «Рост» макомининг тегишли кисмига куп жихатдан ухшайди. «Рост» макомидаги «Мухаммаси Ушшокда» хам шу холни курамиз. Бунда Бухоро ва Хоразм макомлари уртасида фарк шундан иборатки, Бухоро макомларининг хар бандидан сунг такрорланадиган кисми хажм жихатидан доимийдир. Хоразм макомларида эса унинг хажми узгариб туради. Шу билан бирга айрим кисмларининг куйлари хам бир-бирига мос келмайди. Масалан: чолгу булимининг биринчи кисмид яъни Бухороча «Тасниф» билан Хоразмча «Рост» макоми уртасида интонация жихатидан ухшашлик куринмайди. Хоразм макомлари билан Бухоро макомлари айрим кисмларининг куйи мустакил эканлиги тугрисида куп мисоллар келтириш мумкин. Бу нарса Е.Е. Ромоновскаянинг Хоразм макомлари Бухоро макомларига боглик, деган даъвосининг асосиз эканини курсатади.

(СНОСКА куйиш керак. Хоразм макомлари. XI том. Тошкент, Уз ССР ДБА нашриёти. 1958, XYII бет..

## Фойдаланилган адабиётлар.

Хоразм макомлари: 3 томлик. Тупловчи ва нотага олувчи М. Юсупов, И.А.Акбаров тахрири остида. –Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти. 1980 й.
Т.1. –548 бет

## 24. Узбек миллий кушикчилик санъати тараккиётининг уч йуналиши.

Узбек миллий кушкчилик санъати тарихи узок минг йилликларга, яъни ибтидоий жамоа даврига бориб кадалишини биз археологик топилмалар тахлили хамда ёзма тарихий манбаларни урганиш оркали билиб олдик.

Тарихий тараккиёт жараёнида канчадан-канча суронли даврларни. Конли вокеаларни бошдан кечирган халкимиз Темурийлар хукмронлиги давридан сунг, яъни XYI асрнингг икккинчи ярмидан бошлаб учта хонликка (Кукон хонлиги, Бухоро амирлиги ва Хива хонлиги) булиниб кетди. Натижада илм ахли ва санъаткорлар уч хонлик саройлари хамда сарой атрофларида туплана бордилар. Уч юз йилдан ортикрок давом этган бу давр уз самарасмни курсатди.ю Натижада мусика санъатида бир-биридан фаркли, лекин якин булган Тошкент-Фаргона, Самарканд, бухоро ва Хоразм мусика ва кушикчилик йуналиши пайдо булди.

Кушикчилик санъатининг уч йуналишига булиниши бундан ташкари республикамиз хъудудида яшовчи ахолининг этник таркиб топишига хам богликдир. М: Фаргона водийсида яшовчи халклар шеваси Тошкент вилоятида яшовчи халк шеъвасига якин булиб, кушикчилик ва мусика ижрочилиги деярли фарк килмайди. Самарканд ва Бухоро вилояти ахолиси таркибий кисми купрок форсийзабон ахоли булганлиги, хонликларда сарой тили хам форс тили булганлиги бу вилоятлар кушикчилик санъатида хам уз аксини топгандир. Хоразм халки хонликлар давридан олдин хам хатто кушонлар салтанати даврларида хам хонлик булганлиги ушбу вилоят кушикчилик санъати, хатто мусика санъатида хам уз ифодасини топган булиб, узбек миллий мусика санъатида куй ва йуналиши охангларга бойлиги, уйноки ва дилга якинлиги билан ажралиб туради. Хоразм мусикасини безашда Хоразм шеъвасининг хам роли каттадир. Хоразмча кушикни узбек адабий тилида куйлаш, шеъвада куйлашга нисбатан кушикни бир оз сунъийлаштиради.

Кушикчиликдаги бундай алохида ривожланиш тарихи анча узок булганлиги сабабли шу уч шуналишда хам макомлар шаклида бошланган. Буни биз Бухоро шашмакоми, Хоразм олти ярим макоми хали шаклланиб нихоясига етмаган Фаргона чормакоми мисолида куришимиз мумкин.

Бу йуналишлар кушикчиликнинг бошка жанрлари булмиш лапарлар, яллалар, достон кушиклари, термалар, уланлар ашула ва катта ашулада хам кузда тутилади.

Масалан: Ялла жанри хар учала йуналишда хам мавжуд булсада Фаргона-Тошкент йуналишида у икки хил куринишда (биринчи кушик ракси билан ёки якка доирада терма шаклида. Авжсиз куйланадиган кушик) булади. Самараканд-Бухоро йуналишида эса мавриги шаклда. Хоразмда хам яккахон хонанда чалгу журлигида куйлаши ва унга ракс куйилиши ялла деб юритилади. Хоразм халфлари хам купрок раксли кушик, яъни ялла куйлайди.

Узбек мусика маданияти ривожланишидаги бу уч йуналиш бир биридан кисман фарк килсада мисоли уч хил рангдаги гул каби узбек мусика гулдастасини ташкил килади. Зеро, санъатнинг бундай йуналишлардаги тараккиёт миллий мусика маданиятимизнинг тез суръатлар билан гуркураб ривожланишига сабаб булмокда.

Хар учала йуналишдаги кушикчилик жанрларининг мохир ижрочилари. Халкиммз севган машхур кушикчилик маданиятимиз раквнокига улар узининг муносиб хиссаларини кушганлар. Фаргона-Тошкент йулида Журхон хофиз. Мамуржон хофиз, хонанда Фахриддин Умаров, Таваккал Кодиров, Самарканд-Бухоро йулида Хожи Абдулазиз, Левича хофиз, Домла Халим, Хоразм йулида Шерозий, Хожихон хофиз, Комилжон Хофиз ва бошка куплаб санъат даргаларини курсатиш мумкин.

## 25. Халк кушикчилиги жанрлари.

Халк кушикчилиги кушикчилик санъатининг энг кухна туридир. У халкнинг орзу-умидлари, турмуши, ахлоки, соцмал ва миллий озодлик учун курашини узида ифодалайди. Узбек халк кушикчилигининг жанрлари жихатидан хилма-хиллиги ва хаётда тутган урнининг хилма-хиллиги билан бошка халклар кушикчилиги маданиятига куп

жихатдан ухшашдир. Узбек кушикчилигини уз функцияси ва хаётда тутган урнига кура икки гурухга булиш мумкин. 1. Маълум вакт ва шароитда ижро этиладиган кушиклар. Бунга оилавий маросим кушиклари, мехнат кушиклари, аллалар ва хар хил тантаналарда ижро этиладиган кушиклар киради.

2. Исталган вактда, хар кандай шароитда ижро этиладиган кушиклар. Буларга лапарлар, яллалар, ашула кушик, чалгу куйлари, чулама достон кушиклари, айтишувлар киради.

Хар бири гурухга кирувчи кушиклар узига хос характерли белгиларга эга. Масалан: Ижро этилиши маълум вакт, ёки шароитни такоза этадиган биринчи гурух кушик жанрларининг мавзуси муайян маросим ёки бошка вазият билан боглик, булиб, улардан деярли четлашмайди. Бунга ёр-ёрларни мисол келтириш мумкин. Иккинчи гурухга кирувчи кушикка эса жой ва вакт танламайди. Улар умуминсоний кадриятлар асосидаги кушиклар булиб, жанр жихатидан хам хилма-хил ва мураккабдир.

1. Макомлар – Макомлар мумтоз кушикларнинг маълум йуналиши ва лад асосида уйгунлашган хамда бирлашган куринишдир, десак хато булмайди. Шашмаком ана шундай 250 га якин мумтоз кушик ва куйларни олти лаб ва йуналишга бирлаштирган яхлит йирик мусикий асарлар мажмуасидир.

2. Мумтоз ашулалар ва куйлар. Халк хамда бастакорлар томонидан яратилиб, узок даврлар истемолдан тушиб колмаган куй ва кушиклардир. Хатто кейинги даврларда бастакорларимиз томонидан яратилдган кургина мусика асарлари хам мумтоз куй-кушиклар даражасида булиб, тинловчилар, калбидан чукур урин эггаллаганлиги боис мумтоз асарлардир.

3. Катта ашула. Бу йирик хажмли ашула булиб, унинг куй оханглари кенг нафасли хофизлар ижроси учун мулжаллангандир.

Катта ашула асосан Фаргона-Тошкент ашула йулига хос булиб, уни одатда ашулачи хофиз, ёки 2-4 хамнафас ашулачи-хофизлар айтадилар. Бу ашула жанри кенг диопазонали булиб, адатда мусикасиз куйланади. (чалгу созлари журлигисиз)

4. Ашула. Нисбатан кенг диопазали, аксарият холларда газалларга басталанади. Уни якка хофиз хамда ашулачилар ансамбили куйлаши мумкин. Ритм жихатидан хам кушиткка нисбатан мураккаб булади.

5. Кушик. У жанр сифатида нисбатан кичик диапазонали куйдан ташкил топган, купрок бармок вазндаги шеърлар, мустакил туртликлар хамда термалар асосида ёзилади. Кушиклар куп холларда нкакоратли булади. Накорат купинча бир куплет шеър хажмида булиб, кушикчидаги хар бир куплетдан сунг такрорланади.

6. Ялла. Ялла узбек кушикчилик санъатида алохида урин эгаллайди. Одатда ялла кушикнинг ракс билан бирга ижро этилган куринишидир.

7. Лапар. Одатда кушикнинг дует, айтишув шаклларигша якин булиб, икки хил куринишда булади. 1. Якка ижрочи узи кушик куйлаб, узи ракс харакатлари бажаради.

2.Эркак ва аёл, оан-бола, ота-бола уртасида кечаётган вокеаларни хазил тарикасида ифодалайди.

8.Улан. Улан маълум бир ладга тулик риоя килмаган холда, терма, шеърлар асосида айтилади. Куп холларда эркак ва аёл, йигит ва киз уртасидаги айтишувга ухшайди.

8. Академик вокал кушикчилиги. Унга романслар, вокал кушиклари, ариялар,конон, речитатив, кантинела услублари киради ва булар асосан сахнада ижро этиладиган кушиклардир.